




НАВОИЙ ЎГИТЛАРИ

Бокижон Тўхлиев

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

БОҚИЖОН ТҲЛИЕВ

НАВОИЙ ЎГИТЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2016

Масъул мухаррир:
Филология фанлари доктори, профессор Х.Ҳомидий.

Тақризчилар:
Филология фанлари доктори, профессор Н.Раҳмонов.
Филология фанлари доктори М.Имомназаров.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда қўшимча манба ва материаллардан фойдаланишнинг ҳам жуда катта илмий, тарихий, маърифий аҳамияти мавжуд. Бунда бевосита мутафаккир адибнинг ўз асарларидаги ҳасби ҳоллардан фойдаланиш эса янада кучлироқ таъсир кучига эга. Китобда шу ҳақдаги мулоҳазалар берилган. Шунингдек, унда айрим ғазалларнинг таҳлили, адиб ижодидаги кизикарли нуқталарга эътибор тортилади. Унда сўз ҳақидаги фикрий дурдоналардан ҳам ажойиб гулдаста тузилган.

Китоб А-1-98 рақамли “Ёшлар маънавиятини шакллантиришда Навоий адабий-педагогик қарашларининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш” мавзусидаги грант лойиҳаси асосида яратилган.

У филология, журналистика, Шарқ тиллари, шунингдек, ижтимоий-гуманитар факультетларининг талабалари, тил ва адабиёт ўқитувчилари, малака ошириш тизимидаги тингловчиларга мўлжалланган. Ундан кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланиши мумкин.

Монография Тошкент давлат шарқшунослик институти Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

© ТДПУ, 2016.

© Б.Тўхлиев, 2016.

“КИ, БУЛМОҚ ВАТАН ИЧРА ДУШВОР ЭДИ...”

Ёшларимизга Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириладиган бўлса, биринчи навбатда, мутафаккир адибнинг ўз асарларига мурожаат этиш ўринли кўринади. Адибнинг асарлари унинг таржимаи ҳоли, ҳаёти тафсилотлари, бир инсон сифатидаги саргузаштларининг ҳаққоний гувоҳлари ва далолатномаларидир. Албатта, уларнинг барчаси ҳам бадииятнинг юкори талаблари билан музайян қилинганки, таҳлил ва талкинларда бу кирраларнинг ҳам эътиборда бўлиши шарт.

Бу жиҳатдан Саид Ҳасан Ардашерга бағишланган мактуб – маснавий айрича аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам унга навоийшуносларимиз алоҳида эътибор бериб келишади¹. Академик Азиз Қажумов кўрсатиб ўтганидай, “Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин баҳодир ва унинг ғамхўри, тарбиячиси ва мухлиси Хуросон подшоҳи Абулқосим Бобур мирзо деярли бир вақтда 1457 йили бирин-кетин дунёдан ўтишди. Эндигина катта ҳаёт йўлига кириб келаётган, адабиёт аҳли ўртасида эътироф қозона бошлаган ёш Алишер учун бу қутилмаган бахтсизлик эди. Ана шундай оғир шароитда бу етим болага ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатган зот Хуросон улуғларидан бири Саййид Ҳасан Ардашер бўлди. Бу мухтарам инсон билан Алишер Навоий ўртасидаги ота ва фарзанд каби яқинлик ва дўстлик улар ўртасида бир умр давом этган. Кейинчалик Саййид Ҳасан Ардашер вафотидан сўнг Навоий бу улуғ инсон хотирасига бағишлаб “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” номли бир рисола ёзган. Насрда битилган бу китобда Навоий Саййид Ҳасан Ардашернинг ибратли ҳаёти ва юксак фазилатлари тўғрисида ҳикоя қилади. Навоийнинг узун шеърлари орасида иккитаси махсус Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган. Биринчиси, Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан йўллаган шеърини мактуби. У “Маснавий” ёки “Ҳасби ҳол”, деб аталади.

1 Бу асар ҳақда қаранг! Воҳидов Р. Навоий қалбида сирлашган инсон. – Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1999. 7-20-бет; Шодиёв Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адаблари. – Тошкент, Ўитувчи. 1989, 21-22-бетлар; Юсупова Д. Маснавий – // Алишер Навоий. Қомусий лугат. Биринчи жилд. – Тошкент, “Sharq”, 2016, 319-321-бетлар. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент, “TAMADDUN”, 2016. 61-62-бетлар. Қажумов А. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент, “MUMTOZ SO‘Z”. 2011, 43-53, 202-203-бетлар; Ғаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент. ФАН. 1968. 132-137-бетлар; Хайитметов Навоий лирикаси, Тошкент, 1960.

Иккинчиси – таркиббанд шеър. Буни шоирнинг ўз кадрдон дўсти Саййид Ҳасан Ардашернинг вафотига ёзилган марсия деб қаралса ҳам тўғри бўлади. Яна Навоий “Сокийнома” шеърий асарида Саййид Ҳасан хотирасига махсус боб ажратган. Бу ҳам Навоий ва бу мухтарам инсон ўртасидаги зўр ҳурматли муносабатларни билдирувчи манба дейилса хато бўлмайди”¹.

Алишер Навоий ўз замонида “хайвонлиғлари купу инсонлиғлари кам” бўлганлар билан ҳам мулоқотда бўлишга мажбур бўлган. Шунинг учун ҳам ўз яқинларининг, айниқса, “аҳли дарднинг ўз ҳолини айта олиш” имконини яратиб берган Саид Ҳасан Ардашер сингари буюк ҳамсуҳбат ва кўнгилдошларининг кадру қиммати фавқуллодда юксак бўлганини эътироф этади.

“Ҳар вафоға юз жафо” тайёр бўлган замонда (гап Абу Саид мирзо ҳукмронлиги даври устида бормоқда) “пешаси вафо бўлган” дўстларнинг кадру қиммати, ҳақиқатда ҳам улуғ бўлади:

Вафо анга пеша, саҳо анга фан,
Вафову саҳо кони Саййид Ҳасан².

Яхши хулқлиларнинг энг аъло макони равзadır. Бу “жаннат” ёки “жаннат боғи” дегани. “Жаннатий одам” ифодаси бекорга пайдо бўлмаган. Бунда Саид Ҳасаннинг хулқ, ахлоқ, маънавият борасида “басе ортуқ” эканлиги таъкидланмоқда ҳамда жаннат боғида ўсиши тахмин этиладиган “тубо” дарахтининг бу шахс олдида ҳасча ҳам кадри йўқлиги писанда қилинмоқда.

Зихе³ равзадин хулқунг ортуқ басе,
Келиб боғи кадрингда тубо хасе.

Бировларнинг дардини, кўнгил нолаларини эшитадиган одамлар ҳар доим ҳам кам бўлган. Айни мана шу маснавий – мактуб ёзилган пайтда Навоий ўзини яқка ва ёлғиз ҳис қилган. Шунинг учун ҳам ўз кадрдони сингари нодир кишиларга нисбатан бениҳоя кучли руҳий эҳтиёж сезган:

Қаюмов А. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент, “МУУМТОЗ СО‘З”, 2011. 43-бет.

Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сингар. 20 жилдлик, 3-жилд. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон – Тошкент, Фан. 1988. 526 б. (мисоллар шу китобдан олинган)

Зихе – гузал, сикмили, кўнгида матлуб; худди ўзи, жуда, энг.

Чу сенсен бугун олам аҳлида фард
Ки, ҳолин де олғай санга аҳли дард.

Ушбу байтни ҳозирги ўзбек адабий тилига насрий тарзда таъдил қиладиган бўлсак “Бугун сен бу оламдаги яккаю ягона бир одамдирсанки, аҳли дардлар ўзларининг ҳолатларини [ошкора] айта оладилар” тарзидаги шакл ҳосил бўлади.

Бу мисралар мазмунининг яхшилигидан ташқари ифодасининг ёқимлилиги ҳам манзурдир. Бунга байтдаги “сен”, “аҳли” сўзларининг такрори, биринчи мисрада «а» товушининг тўрт. «у» товушининг уч, иккинчи мисрада эса «а» товушининг беш, «и» товушининг уч марта такрорланиши байтдаги оҳангдорлик ва майинликка ўз ҳиссасини қўшиб турибди.

Киши нариги томон – эшитувчининг ўзига илиқ муносабати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлсагина унга ўз кўнглини ёриши мумкин. Бу жиҳатдан Навоийнинг кўнгли тўқ. Чунки, Сайид Ҳасаннинг унга нисбатан дўстлиги ва муҳаббати бор, бунинг устига шоир ўзини унга шогирд ва фарзанд деб билади:

Мангаким, видодинга¹ хурсандмен,
Жанобингга шогирду фарзандмен.

Мана шундай “кириш”лардан кейин адиб асл муддаога ўтади. “Вафо ва саховат кони”га мурожаатининг асл сабабларини айтишга жазм этади:

Ғаме етти чархи жафопешадин,
Ҳамул анжуми хорижандешадин.

Ҳунар ва кирдикорлари жафо етказишдан иборат бўлган “чарх” (давр, замон; толе, тақдир)дан, ўша андишани ўз доирасидан ташқарига суриб ташлайдиган қилиқли чархдан менга ғамлар етишди. Шу шароитда шоир ўзининг қандай вазиятда эканини ихчам ва лўнда тарзда шундай ифодалайди:

Видод – муҳаббат. дўстлик; умид боғлаш, хоҳиш.

Ки, бўлмоқ ватан ичра душвор эди,
Кўнгулга жало дафъи озор эди.

“Жало” – “жудо бўлмоқ”, “айрилмоқ” деган маъноларни англатади. Бу маънони назарда тутсак, байтни: “Ана шундай бир мураккаб вазият юзага келдики, энди ватанда қолишнинг имкони қийинлашиб қолди, кўнгулга ғурбатда бўлиш, ватандан айрилиш азоби қутку солаётган эди”, тарзида шарҳлашимиз мумкин.

Ушбу сафар режали эмас, тасодифийдир, кутилмагандир. Навоий буни “тақдири азалнинг амри” дея баҳолайди:

Сафар тушти оллимга беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр?!

Халқда “Тақдирга тағйир йўқ” деган ибора бор. Шундай экан, кишининг “қазо амри”да, яъни худонинг иродаси олдида оддий одам (“эл”)да қандай ихтиёр – танлаш имкони бўлиши мумкин?

Ана шу руҳиятдаги инсон учун ўз яқинлари ёнида бўлиб кўнгул изҳорларини, дардларини тўкиб солиш эҳтиёжи ҳам

Алишер Навоийнинг асарларидаги алоҳида шахслар ва образлар тасвиридаги жонлиқ, таъсирчанлик улардаги ҳастий асосларнинг, бадий ҳақиқатнинг ҳаёт ҳақиқати билан ҳар доим уйғун келишига боғлиқ булган натижалардир. Санд Ҳасан Ардашерга ёзилган мактуб ҳам айни мана шу силсилага мансуб. Бу мактубдаги айрим фикр-мулоҳазаларнинг бадий талқинлари адибнинг бошқа асарларида ҳам ўзига хос тарзда давом эттирилганини кўриш мумкин. Бу ерда муқояса имкони учун “Садди Искандарий”дап бир кичик кучирмани келтириш билан қиёяланамиз:

Чу охир булурбиз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!

Бу бир дамки, хушвақтлик берди даст,
Тараб жомидин айлагил узун маст.

Чу бу дамни чарх ўтқарур ҳам, бу дам
Дамо-дам май ичким, эрур дам — бу дам.

Кўруб умр тарихи муҳаммаднинг.
Ғанимат бил асҳоб ҳамдаммагнинг.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат хавас айлама.

Сафар меҳнати жовидонидурур,
Нединким сакардин нишонедурур.

Сафарга недур хар дам этмак хавас.
Сакар ул сафарким бор оллингда, бас...
(сакар – дузах)

табийдир. Афсуски, унинг дўсти ҳам бу пайтда шаҳардан ташқарида эди. Дўстининг қайтиб келиб ўзини – Навоийни сурашига унинг шубҳаси йўқ. Албатта, у (Саид Ҳасан Ардашер) дўстлар даврасида бўлади, улар билан қизғин гурунглари амалга оширади, ҳар бир дўстининг тақдири билан қизиқади, уларни суриштиради:

Билурмен сени ҳам сафардин қазо,
Агар қайтарурға қилиб иктизо¹.

Қилиб авд², майли ватан айласанг,
Ичиб бода азми чаман айласанг.

Ўз илгинга жоми майи нобни
Олиб истасанг бир-бир аҳбобни.

Аларни чу май бирла шод айлагунг,
Мени доғи, албатта, ёд айлагунг.

Маъноси: Биламан, тақдир сафарни охирига етказиб, қайтишингни тақазо қилса (имкон берса), Сафардан қайтиб, ватан сари юз бурсанг, Бода ичиб, гулшанда сайр қилсанг, яъни хотиржам бўлсанг, Қўлингга тиниқ майни олиб, ўз яқинларингни йўқлаган пайтингда, Уларни хурсанд қиласан, ва, албатта, мени ҳам эсга оласан. Шоир бу ерда “албатта” деган сўзни қўлламоқда. Бу бежиз эмас. Навоий дўстининг дўстлигига, унинг ҳам ўзига нисбатан илиқ муносабатига шубҳа ва гумонлардан холи эканлигига тўла ишонади. Мазкур сўз айти шу маъноларга урғу бериши билан эътиборлидир.

Шоир яна бир нарсани тахмин этади, унинг дўсти ўшанда бундай саргашталиқнинг сабаблари билан ҳам қизиқади:

Бу азминни шоядки тафтиш этиб,
Фироқим замирингға³ ташвиш этиб, (3.527)

Мени йўқлабон борча аҳбоб аро,
Тилаб топмайин хайли асҳоб аро,

Иктизо – тақазо. зарурат, талаб.

Авд – қайтиш

Замир – дил, қўнғил.

Дегайсенким, ул зори овораваш
Ки, хижрон майидин бўлуб журъакаш¹,

Не қилди экин чархи нобахтиёр
Ки, саргашталиқ айлади ихтиёр?
Хаёлиға ҳодис не бўлди экин?
Бу азмиға боис не бўлди экин?

Мазкур парчадаги “азмим”, “фироким”, “тилаб топмайин”, “зори овораваш”, “чархи нобахтиёр”, “саргашталиқ”, “не бўлди экин?” каби сўзлар матндаги асосий мазмун ва йўналишни белгилаб турибди.

Навойи шу тарзда дўстининг ўзи ҳақидаги ташвишланиб турган ҳолатини чизиб берар экан, айни пайтда бу ерда қолган бошқа дўстларининг ҳам бу ҳолнинг сабабларини билмасликларини қайд этади:

Чу ҳолимдин аҳбоб огоҳ эмас,
Дегайлар ҳадисеки, дилхоҳ эмас.

(Мазкур ҳолатимдан дўстларнинг бирортаси ҳам хабардор эмас. Дўст бўлмаганлар эса буни ўзларича изоҳлаб, шарҳлаб юришади, бироқ улар асл ҳодисадан хабардор эмас ва айтадиган ҳар хил гап-сўзлари ҳам мақбул (“дилхоҳ”) бўлолмайди).

Шунга кўра, воқеа тафсилотлари билан дўстини таништириш лирик қаҳрамон – муаллиф учун масъулиятли ва самимий бурч сифатида тасаввур қилинади:

Аён бўлғай оллингда ҳангомае,
Битимак манга фарз эди номае,

Ўзи қабул қилган қарорнинг тафсилотини у “вужух” сўзи билан ифодалайди. Бу “важҳ” сўзининг кўплигидир. Луғатларда бу сўз “сабаб”, “боис”, “восита” деб изоҳланади.

Санга ҳолатимни аён айламак,
Бу азмим вужуҳин баён айламак.

¹“Хижрон майидин бўлуб журъакаш” – ўзига хос ибора бўлиб, “хижрон самияни мунтазам равишда кутариб юрувчи” деган маънони кузда тутди.

Манга неча навъ ўлди бечоралиғ
Ки, оллимға тушти бу оворалиғ.

Кейинги байт кофиясига “бечоралиғ : оворалиғ” сўзларининг сурилиши бежиз эмас. Демак, шоир ожизлик, тадбирсизлик, чорасизлик олдида қолган. Шунинг учун ҳам унга сарсонлик рўпара келган.

Ана шундан кейин бу сабаблар “рўйхати” келтирилади. Маълум бўлишича, уларнинг дастлабкиси сўз билан боғлиқ. Эҳтимолки, бу ердаги “сўз” бир неча маъноларни кузда тутди. Бундай тахмин учун хат – мактуб матни тўла асос беради. Шоир, аввало, сўзнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида тўхтар экан, сўз ҳақида қўлаб асарларида билдирилган фикр-мулоҳазаларининг янги кирраларини изоҳлайди, у туфайли инсоннинг ҳайвондан фарқланиши ва кадр қимматга эга бўлишини асос қилиб келтиради:

Бир улким, чу сўздиндур инсон шариф
Чу ҳайвонға сўз йўқтур улдур касиф.

Бу биринчи сабабдир. Шоир нодир истеъдод эгаларининг кадр-қиммати ҳақида сўз очмоқда. Ҳар қандай инсон сўз туфайли шарафга эришади. Сўз уни ҳайвондан ажратиб туради. Сўзлай олмагани учун ҳам ҳайвон нопок ва касофатлидир (“касофат”-нинг луғавий маъноси “дағаллик”, “ғализлик”, “бефаҳмлик”; “ёмон оқибат”, “ёмон, нохуш таъсир” маъноларини англатади)¹.

Ниҳоят ғойибона суҳбат мавзуси яна янги кирралари билан кенгайиб боради. Сўзнинг ижтимоий-эстетик мавқеи ниҳоятда баланд. Навоий айти мана шу ҳақда махсус тўхтаб ўтади:

Бу сўз к-офаринишдин ашрафдурур,
Анинг дағи мавзуни алтафдурур, (3.528)

“Ашраф” – шарафли, “офариниш” – пайдо бўлиш, яралиш дегани. Шунда сўз яратилишига кўра шарафли эди, деган мазмун

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедия давлат илмий нашрийти. 2006. 329-бет.

рўёбга чиқади. “Алтаф” эса “латиф”, “нафис” дегани.

Оддий сўз шунчалик бўлганидан кейин бадий ижод дурдоналарининг кадр-қиммати, баҳоси қандай бўлади?!

Жавоҳир неча ҳўбу дилкашдурур,
Вале назм силки аро хушдурур. (3.529)

Киёснинг ўзи гўзал: жавоҳир якка ҳолида ҳам чиройли ва манзур бўлаверади. Аммо у бошқа жавоҳирлар билан ёнма-ён ҳолда бир ипга тизиладиган бўлса янада жозибалироқ, ёқимлироқ бўлади. Бунда шоир сўзнинг назм ришталарига терилган чоғини кўзда тутаётгани кўриниб турибди.

Албатта, сўз доно олдиди кадрсиз ҳам бўлиши мумкин. Бунга ёлғон, ёлғончилик сабаб бўлади. Аммо шеърый асарлардаги “ёлғон”ни, яъни кучма маъно ва бадий тўқималарни донолар кадрлашади:

Сўз ичраки, ёлғон эрур нописанд,
Чу назм эттилар, килди доно писанд.

Бу ердаги “ёлғон” бадий ижод билан, ижодий жараён билан боғлиқ тушунча. У “бадий уйдирма”, “ижодий тўқима”, “шоирона ҳаёлот, фантазия”ни назарда тутаётир.

Шундан кейин шоир ўз қилган ишлари, ўзининг қобилият ва истеъдоди ҳақида мулоҳаза юритади. Бунда:

1. Ўзидаги фавкулодда истеъдодни англаб етган шахс эътирофлари:

Фалак кўрмади мен кеби нодире,
Низомий кеби назм аро қодире.

Не назме дер эрсам мени дарднок
Ки, ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок.

2. Бу истеъдоднинг куч-қудратини аниқ тасаввур этиш ва унинг муқобилида мазкур ҳолатдан фойдаланишдаги ижтимоий шароит монелиги:

Етар тенгридин онча қувват манга
Ки, бўлмас битирига фурсат манга.

Истасъодларнинг намоён бўладиган майдонлари оз эмас.
Юкорида шоирнинг “Низомий кеби назм ичра қодир” ифодасини
кузатдик. Энди мана шундай “қодир”лардан яна бири –
Абулкосим Фирдавсий тилга олинади:

Бу майдонда Фирдавсий ул гурд¹ эрур
Ки, гар келса Рустам жавобин берур.

Рақам қилди фархунда «Шахнома»е
Ки, синди жавобида ҳар хомае².

Мусалламдурур зоҳиран бу иши
Ки, маъразга³ келмайдурур ҳар киши.

Деди ўз тили бирла ул кони ганж:
Ки, “си сол бурдам ба «Шахнома» ранж”⁴.

Бадий ижод майдонида Фирдавсий шундай машҳурки,
унинг биргина Рустам сингари қахрамонининг ўзиёқ бунинг
тимсоли бўла олади. Фирдавсий яратган “Шохнома” жаҳоний
этирофларга сазовор бўлди. Уни такрорлашга уринган бирорта
ҳам киши бунинг уддасидан чиқа олмади. Фирдавсий ўз асари
устига ўттиз йил иш олиб борган эди. Кучирманинг охирги
мисрасида “иктибос” санъати қўлланган. Унинг моҳиятини
бошқа манба ва ижодкорлардан ўз фикр-мулоҳазаларини тас-
диқлаш ёки далиллаш учун кучирмалар олиш ташкил этади. Бу
ўринда мазкур мисол Фирдавсийнинг “Шохнома”сидан олинган.

Шоирнинг ифтихори шундаки, бир куни шу ишни
бошлайдиган бўлса, Оллоҳнинг лутфига умид тутган ҳолда, ўттиз
йиллик меҳнатни ўттиз ойда бажара олишга кўзи этади:

Гурд – паҳлавон, баҳодир; жасур, шижоатли, қўрқмас.

Хома – қалам

Маъраз – бирор нарсанинг кўриниш, намоиш этиш жойи; мавқе.

Маъноси: “Шохнома устида ўттиз йил ранж чектим, яъни меҳнат қиладим ”

Ани дерга бўлса қачон рағбатим.
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим,

Ки, ҳар неча нутқ улса кохилсарой¹,
Битигаймен ўтгуз йилин ўтгуз ой...

(Гап 1466 – 1469-йиллар устида бормокда. Бу пайтда ҳали Алишер Навоий “Ҳамса” дostonларидан бирортасини ҳам ёзиб улгурмаган, у фақат ижодий режа сифатидагина мавжуд эди, холос)².

Бу гапларнинг исботи учун эса қўшимча далил келтирилмокда. Бу ийҳом санъати билан боғлиқ синовларга ҳозирликдир. Агар шеър айтишдан мақсад ва муддао фақат ийҳом айтиш бўладиган бўлса, бунга шоир ҳар доим тайёр. Агар кимдир уни синаш учун шу таклифни айтса, у ҳеч иккиланмасдан бунга жавоб бера олади. Ҳатто. агар у юз байтни пешкаш қиладиган бўлса, унинг жавоби учун икки юзта байт айтишга тайёрлигини ҳам кескин тарзда билдиради:

Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳалвом эрур (3.530)

Вале айт деб, ким манга тутти юз
Ки, мен юз учун демадим икки юз,
Не юз, не ики юзки, бу қилки тез,
Аторуд³ била қилса зоҳир ситез⁴,

Анинг сайри бир давр охир була,
Фалакни латойифдин этгай тула.

“Коҳилсарой” – “коҳил” ҳамда “сарой” қисмларидан тузилган қўшма сўз бўлиб, унинг биринчи қисми “суст”, “буш”, “танбал”, “ялқов” маъноларини. “Саройи” эса “қўшма сўзларнинг иккинчи компоненти бўлиб, “қуйловчи”, “айтувчи”, “гапирувчи” маъноларини англатади. Баътда Навоий “агар ҳатто шошилмасдан, бемалол ёзган тақдиримда ҳам “Ҳамса”ни ўттиз нилда эмас. балки ўттиз ойда, яъни икки ярим нилда тугата оламан”, деб қайд этмокда. Азиз китобхонларимиз кешинроқ бу ваъдаларнинг ҳавойи гаплар бўлмасдан, амалда исбот этилганини яхши билишади.

Профессор А.Ҳайитметов “Биз бу мисраларга асосланиб агар Навоий яхши замонда яшаганда, нормал ҳаёт кечирганда, “Ҳамса” қаби асарларни ёзишга жуда эрта – шу йигитлик йилларидаск киришган ва умрида мавжуд дostonларидан ташқари яна бир қанча буюк эпик асарларни яратган бўлур эди, деган хулосани чиқарсак янгилашмаган бўламиз”. (Ўзбек адабиёти тарихи. беш томлик, II том, – Тошкент, “ФАН”, 1977, 161-162-бетлар) деб ёзган эдики, биз ҳам унга тула қўшилиамиз.

Аторуд – ўк, Меркурийнинг Шарқдаги ном, оламнинг сарҳисобчиси, қотиби сингари маъноларга эга.

Ситез – аччиқ-терсақ; хусумат, адоват, душманлик.

Демак, шоир ўз ийҳомлари билан ҳам “фалакни латойиф (нозик маъноли сўз, ажойиб ҳикоя)ларга тўла” қилишга тайёр эди¹.

3. Фақат муаммо бошқа ерда. Шундай ишларга кодир бўлган шахс ижодий ишлар билан банд бўлиш учун реал имконга эга эмас. Бунинг сабаблари энди очикрок баён этила боради. Шоир кўз олдимизда тўғри баҳоланмаган меҳнат, муносиб кадр топмаган шахс, ижтимоий-маънавий муҳит туфайли юзага келган тушкун кайфият эгасини тасвирлайди. Замон шундайки, оламда яккаю ягона бўлишинг мумкин, аммо сенга етишадиган нарса ранжу аламлардан бошқа нарса бўлмайди:

Бирав бўлса бир ишда бу навъ фард,
Вале кўрмаса баҳра жуз ранжу дард.

Хатто истеъдоди буюк ва очик кўриниб турадиган бўлса, унинг устози афсонавий буюкларга ошно бўлганида ҳам натижа шу:

Бўлуб Қоф важҳи маошиға кон,
Мураббийси анқоға ҳамошён,

Бундай шахснинг кўнгли вайрон (Навоий тили билан айтганда “Уйи нотавон кўнгли янглиғ бузук” ҳамда бу уйдаги асосий озука “андуху ғам”дир:

Уйи нотавон кўнгли янглиғ бузук,
Бу уй ичра андуху ғам ер озук,

Бошқа жиҳатларда ҳам кўнгилга тасалли бериши мумкин бўлган ҳеч вако йўқ:

Майи базми барча юрак қонидин,
Суруди ҳазин кўнгли афғонидин,

Десақим, топай эски пулдин фароғ,
Топилмай жуз аъзосида янги доғ.

¹ Ури келганда мазкур байтларнинг ўзида ҳам ийҳомнинг ажойиб намуналари яратилганини кайд этиш жоиз. “Юз тут”моқнинг байтдаги мавқеи уни ҳам “ийҳомнинг юз донасеви тутқизмоқ”, ҳам “менга юзини тутди. савол назари билан қаради” маъноларида талқин қилиш имконини беради

Маишат учун орзу қилса сийм,
Ани топқай, аммо эсарда насим¹,

Киши жинси мулкида мардум гиё
Дирам синфи авзоида кимиё.

Ана шундай мавқе, ҳолат ва руҳиятдаги кишининг ҳаётдаги тавлови қандай бўлиши мумкин?

Киши бўлса андоғки, ўтти мақол,
Бу янглиғ кишига бу навъ ўлса ҳол,

Нечук майли оворалиғ этмағай.
Бошин олибон бир тараф кетмағай?!

4. Ниҳоят, яна битта сабаб мавжуд. Бу атрофдагиларнинг, яқинларнинг қуриб-қўрмасликка олиб юришлари, қилинган эзгуликларга бепарволиклари, яқин ҳақларини унутишлари билан боғлиқ. Шоир энди бадиий умумлашмалардан, абстракт “ул киши” образини чизишдан тортилади. Энди туғридан туғри “мен” тилидан гапира бошлайди:

Яна бир буқим, зоҳир ўлмиш манго
Ки, чикмиш Хуросон элидин вафо.
Вафо азм айларда бўлмиш магар
Сахову мурувват анга ҳамсафар.

Демак, вафо сафарга чиққан бўлса, унга саховат ҳамда мурувват ҳам ҳамроҳ бўлиб кетган, (уларнинг ўрни бўш қолган) шундай бўлса, уларнинг ўрнида нималар қолади? *Аввал вафо бор эди, ҳозир унинг ўрнига нифоқ келган; Саховат ўрнини бахиллик эгаллаган; ниҳоят, мурувват саноклардан чиқиб кетган, унинг ўрнига келгани эса ҳасаддир.* Шоир мазкур санокни шундай келтиради:

Бу байтда ҳам яна бир чиройли сўз уйини мавжуд “Маишат” луғатларида “тирикчилик”, “қун утказиш”, “рузғор тебратиш” деган маънолар билан қайд этилади. “Синим” эса “қумуш”, “танга пул” деб курсатилди. Байтни дастлаб, “Агар киши тирикчилик учун маблағ истаса, фақат шамол ёки шабада келганидагина топиш мумкин бўлади” тарзида насрийлаштириш мумкин. Алишер Навоий шабада, шамол, бўрон, довул, элқин сингари синонимик катордан “насим”ни ажратиб олиб қўллаётгани бежиз эмас. Бу билан адиб маблағ (яъни “сим”) “насим” деган сўзнинг таркибида бор [холос, ҳаётда уни топиш мумкин бўлмай қолди], деган фикрни қалқитиб чиқарган.

Бу уч феъл чикқач ародин тамом,
Яна бўлмиш уч феъл койиммаком.

Вафо ерида зоҳир ўлмиш нифок,
Сахо ўрнида бухл¹ тутмиш висок².

Мурувватқа бўлмиш ҳасад жойгир,
Зихе хуш элу мулкати дилпазир.

Не мулку не эл эмди таҳрир этай,
Алар ҳолатин васф бир-бир этай.

Шоир мамлакатнинг ўша пайтдаги ҳолатини “ваҳшатобод” ҳамда “тамуғ” (дўзах) дея таърифлайди. Зеро, мамлакатда обод жойнинг ўзи йўқ, ҳамма бошқа мамлакат ва шаҳарларни ўз ерларидан устун қўйди. Иморатларида ганждан асар йўқ, хазина хароб...:

Дема мулкким, ваҳшатободи зишт³,
Тамуғ билгуруб ғойиб улғач биҳишт.

Тамошосини кимки, бунёд этиб,
Сипохону Рай мулкидин ёд этиб.

Ҳисори аноу⁴ тааб⁵ маҳбаси⁶,
Сияхчолдин⁷ тийрарўроқ базе.

Иморотида ганждин йўқ асар,
Хизона хароба бўлуб сарбасар.

Демак, мамлакат “ваҳшатобод”га айланган. Адиб бу сўзга ҳам яна битта эпитет келтиради. У “зишт”дир. Бу “хунук”, “ёмон” деган маъноларни билдиради. Бу “ваҳшатобод”даги салбий

Бухл – бахиллик, хасислик.

Висок – уй, хона, макон.

Зишт – хунук, ёмон.

Ано – кийинчилик, машаққат; азоб, ранж; ҳасад, иғво.

Тааб – чарчаш, ҳориш; кийинчилик, машаққат.

Маҳбас – ҳибсхона, камокхона, зиндон.

Сияхчол – чоҳ, қудуқ; зиндон.

маънони янада кучайтириб бериш учун йуналтирилган. Ваҳоланки, у бундан олдин жаннатга ментзалар эди. У “ғойиб ўлғач” мазкур манзара юзага келди. Энди улар ўтмишда қолган, уларни фақат хотиралардагина тиклаб олишлари мумкин, ҳолос. Ҳирот Исфаҳон ҳамда Рай сингари обод ва фаровон шаҳарлар саноғида юрар эди. Энди-чи?! Унинг қўғонлари кийинчилик. машаққат; азоб, ранж; ҳасад, иғволарга тулиб кетган. Бунинг сабабларини ҳам адиб қисман курсатишга ҳаракат қилади:

- 1) Масожидда тоат била нур йўк,
Хавоникда¹ нон расми дастур йўк.
- 2) Ҳам авкофни² садр амлок³ этиб,
Вале кўпрагин май учун тоқ этиб,
- 3) Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,
Товуғ ўрнига чуғз ўлтурғузуб.
- 4) Мадорисда илму салоҳу яқин
Анингдекки, дайр ичра ислому дин.
- 5) Кўнгул жамъи аҳли муножот аро,
Анингдекки, тақво ҳаробот аро.

Мамлакат шундай бўлганидан кейин унинг аҳли ким бўлар эди (албатта, гап ўша даврдаги ҳоким гуруҳ устида бормоқда):

Элида кишилиқдин осор йўк,
Шароратдин⁴ ўзга падидор йўк.

Не эл, не киши, балки шайтону дев,
Келиб барчага даъб⁵ бедоду⁶ рев⁷.

Хавоник – хонақоҳлар

Авкоф – вақфлар.

Амлок эт – мулк қилмоқ, тасарруфига олмоқ.

Шарорат – ёмонлик ғрамаслик.

Даъб – одат, расм; қилиқ, ҳислат

Бедод – адолатсизлик, зулм; жабр, ситам.

Рев – макр, хийла-найранг.

Булуб ломакон сатҳидин хонлари,
Адам мулки буғдойидин нонлари.

Қора пул учун айлабон катл фан,
Ўлуктин тамаъ айлаб аммо кафан,

Не вайронда эски танобе билиб,
Йилон соғиниб, ганж даъво қилиб.

Қизил олтун истаб қора тоштин,
Фалак гўйи бир дона хашхоштин¹.

Энг даҳшатлиси шуки, мамлакатда адолат тушунчаси
вайрон бўлган, унга амал қиладиган кишининг ўзи йўқ:

Тугулса бирав ўғридур деб кучун
Тутубон илиг, лек кесмак учун.

Ўлум келса бир зори бедил сари,
Мадад айлабон лек котил сари.

Хирот аҳлин элтиб ҳаводис ели,
Ўсиб дай елидек Самарканд эли.

Бу мулк аҳли ул элга зору асир,
Булуб наҳбу² яғмо³ калилу⁴ касир⁵.

Ана шундай шароит ва муҳит ичида Навоий ўзини ёлғиз ҳис
этади. Дардини айтиш учун бир ҳамдамга зор, суҳбатлашиш учун
бир нафаргина дўст мавжуд эмас. Шоҳ ҳам, “аҳли давлат”лар ҳам
“ноумидга умид” берадиган эмас:

Манга бу эл ичра не бир ҳамдаме
Ки, бир дам иковлан дейишсак ғаме,


Хашхош – кўкнори ўсимлиги ва унинг уруғи

Наҳб – талаш, талон-тарож қилиш.

Яғмо – талон-тарож, горагтарлик.

Қалил – оз.

Касир – кўн, мўл, тула.



Не шохеки топса ишим ихтилол¹,
Мадиҳиға кўргузгамен иштиғол².

Не бир аҳли давлатдин онча умид
Ки, андин наво топса бир ноумид.

Ҳатто моддий таъминот ҳам номавжуд, шунга кура, фароғат
ҳақида гапиришнинг ўзи ортикча:

Не важҳи маоше муқаррар манга
Ки, бўлғай фароғе муяссар манга.

Не бир ҳужраким, ком топқай кўнгул,
Даме анда ором топқай кўнгул.

Хабар оладиган дўсту ёрларнинг ўзи йўқ. Бордию шу
вазиятда ўлим яқинлашгудек бўлса, ҳатто оғизга сув томизадиган
киши ҳам нопайдо. Навоий чуқур қайғу билан уларнинг ўрнига
ҳатто жонингдаги охирги катра сувни ҳам олишга тайёрлар бор,
холос, дея ўкинади:

Не бир шўҳ васлиға ул моядаст
Ки, азмим аёғиға бергай шикаст.

Не ёреки, ранжимни қилғай қабул,
Не зореки, ҳажримдин ўлғай малул.
Етишса ўлум ранжи беморлиғ,
Су бергунча қилмай бирав ёрлиғ.

Су бермак неким, зоҳир айлаб ғулу³,
Олурға агар бўлса жонимда су.

Бундай пайтда киши табиий равишда ўз яқинларини,
кўнгилдошларини, кадрдонларини соғинади, уларга талипинади.
Уларнинг ёнида бўлса осуда ва хотиржам бўлади. Улар бўлмасачи,
табиийки, у ватан таркини қилишга мажбур бўлади:

Ихтилол – ҳалал топиш, бузилиш.

Иштиғол – машғуллик.

Ғулу – кий-чув, ғавғо, ғала-ғовур.

Сен эрдингки, ҳар ишда ёрим эдинг,
Не ғамким, етар, ғамгусорим эдинг.

Сени ҳам сипехри мухолифмазоқ¹,
Укуш рев² ила солди мендин йироқ.

Биравгаки юз қўйса мунча бало,
Не бўлғай анинг чораси жуз жало?!

Заруратки, ясаб сафар баргини,
Тушуб йўлға қилғай ватан таркини.

Аммо оламнинг яратилишидан ғараз – бош мақсад инсон эди:

Учунч улки, чун холики зулжалол
Ки, ҳам ламязал³ келди. ҳам лоязол⁴.

Чу лавҳи вужуд узра тортиб қалам,
Ики кавн тарҳига урди рақам.

Бурун чекти мундоғ сипехри рафиъ,
Яна ёйди бу навъ арзи васиъ.

Неким жилвагар қилди афлок аро,
Не қилди аён арсайи хок аро.

Демай егти обоу⁵ тўрт уммаҳот⁶
Ки, хилқат тўни кийди чун коинот.

Эмас эрди мақсуд жуз одамий
Ки, ҳақ сиррининг бўлғай ул маҳрами:

Мухолифмазоқ – душмансифат, ёвсимон

Рев – макр, хийла-найранг.

Ламязал – абадий, бокий, завоқ топмайдиган

Лоязол – бевазол, мангу.

Обо – оталар, ота-боболар.

Уммаҳот – оналар, киноявий тарзда бутун табиат, дунёни кузда тутати.

Баридин гараз гарчи инсон эди,
Анга дағи максуд ирфон эди.

Бу сўз сидқиға дағи бетаъну танз¹,
Далолат қилур ояти «кунту канз»².

Шундай экан, ҳали умидсиз бўлишнинг мавриди эмас.
Ҳакнинг лутфига умидворлик ва шу туфайли улкан шиларга
камарбасталик кунгилда мавжуд ва у асло камаймайди:

Хаёлимда андоғ мусаввар бўлур
Ки, ул икки ишдин муяссар бўлур.

Бири буки, бир жазба ҳақдин этиб,
Кунгулни якин жомидин маст этиб,

Ҳақиқат сари турктоз айлағай,
Жаҳон шуглидин бениёз айлағай.

Анга қолмағай ҳам узидин хабар,
Ўзидин неким, ўзлугидин асар.

Булуб рафъ имкони мавжудлуг,
Топиб ҳақ вужудида нобудлуг.

Чу ҳақ топти бу нисбатидин анинг
Ки, максуд эди хилқатидин анинг.

Мушарраф қилиб ани ўз розидин,
Яна ҳам ўз анжому огозидин.

Буюрдики, эл бўлғали баҳравар,
Сулуку маротибға қилғай гузар.

Бу олам – бир йўл, “талаб йўли”. Инсон – йўловчи (солик).
Унинг борар манзили эса узоқ ва мавҳум. Ҳеч бир инсон у

Танз – масҳара, истеҳзо, пичлинг.
Кунту канз – хоҳлади ва қилди.

манзилга йўлбошловчи – муршиди комилсиз етиб бора олмайди.

Яна бир будурким, гадо гар мулук¹
Талаб йўлида қилгай онча сулук.

Бурун муршиди комил истай юруб.
Ани топкач ўзин анга топшуруб.

Сулук амрида урмайин бешу кам,
Анинг амридин айру дам ё қадам,

Мақсад аник. Фано даштида сайр айлаш ва ундан кейин ҳақ ато этадиган мақомга етишдан иборат. Мухтарам китобхонларимизни “фано” сўзининг луғавий маъноси бироз чалкаштириши мумкин. Гап шундаки мазкур сўзнинг луғавий маъноси “йўқлик”, “йўқ бўлиш”дир. Бу ерда гап жисмоний жиҳатдан йўқ бўлиш устида эмас, балки фонийлик даражасига кадар ўсиб бориш устида боради.

Фано даштида сайри бўлгач тамом,
Ҳақ андин сўнг эткай ато ул мақом.

Демак, “фақирлик” ва “фано”нинг ушбу маъносидан бошқачароқ маъноси ҳам мавжуд экан. Буни тасаввуф илми билан жиддий шуғулланиб келаётган мутахассисларимиз, хусусан, Н.Комилов, И.Ҳақкулов, Э.Очилов ва бошқалар яхши изоҳлаб беришган. Фано моҳиятини англаш анчайин қийин юмушлигини Навоийнинг ўзи ҳам кўп марта таъкидлайди. Адибнинг назарида, Агар инсон 40 ёшгача фақирликка оид билимларни ўзлаштирмас экан, у икки марта қиркка кирса ҳам бу фанни ўзлаштириши душвор кечади.

Қирк ёшта фақр ойинин агар касб этмадинг,
Арбаин чекмак била ул ҳосил ўлмоқтин тунгул. (Н.ш. 271-бет)

Афифий Ибн Арабийдаги тасаввуфий тушунчалар талқинига таянган ҳолда, фанонинг икки тушунчасини изоҳлайди:

¹ Мулук – подшоҳлар.

I. “Фано”нинг тасаввуфий маъноси. Бу билан Ибн Арабий жаҳолатнинг йўқолиб сезги билан тасаввур этиладиган Бутуннинг зотий бирлиги ҳақидаги хатосиз муқим билимларни тушунади. Сўфий ўз нафсидан кеча олмайди, фақат бир сурат сифатида асл йўқлигини идрок этади.

II. “Фанон”ни метафизик тушуниш. Ибн ул-Арабий бунда кўриниб турган олам суратларининг йўқ бўлиши ва бир кулли Жавҳарнинг давомини англайди... Ибн ул-Арабий бун шундай изоҳлайди: “Суратлардан бирининг йўқолиши Оллоҳнинг бир бошқа шаклда тажалли онидagi ҳолатидир”¹.

Бу мақомга етган солиқ оламни бошқача кўз билан кўра бошлайди. Унга “жазб ошно” бўлади:

Ки, бир жазб ила ошно бўлғай ул,
Муқими ҳарими сафо бўлғай ул.

Аларким нишони масолик дебон,
Бурунгини мажзуби солиқ дебон.

Бу бирнингки, ҳар амри марғубдур.
Отин солике дебки, мажзубдур.

Чу аввалғи иш бўлмади дастгир,
Икинчисидин ҳуб эмастур гузир.

Навойи ўзини айни мана шу мақомда тасаввур этаётганини алоҳида қайд этади:

Мениким, бу савдо низор айлади,
Ҳавас илгида беқарор айлади.

Не имконки, топқай қарору суқун,
Биравким бу фикр этти ани забун.

Урармен кадам токи борғунча гом
Ки, бўлғай муяссар менга ушбу ком.

Muhyiddin Ibn ul-Arabi'nin tasavvuf felsefesi, Yazar: A.E.Affifi, Çeviren: Dr. Mehmet Dağ, Ankara üniversitesi basimevi. – Ankara, 1975. – 127-6er.

Бу йўл кўнгил йўли. Кўнгил орзулаган шарафли йўл. Агар бу йўлда унинг умри тугаса ҳам, барибир, умр бахшидалигининг ўзи ҳам бир шарафдир:

Агар бўлса бу йўлда умрум талаф,
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф

Ва гар бўлсам ўз комима баҳраманд,
Зиҳе мулки жовиду бахти баланд.

Хушо улки оламда гар чекти ранж,
Яна олам асбобиға топти ганж.

Энг манзур ҳолат шундан иборатки, инсон умрини ўтказиб, ҳаёт қийинчиликлари ва машаққатларини – минг хори дардни (дард тиканларини) бошидан ўтказиб, охир-оқибатда битта тоза қизил гулни қўлга киритса, ўша бахтлидир, бахтиёрдир:

Хуш улким, агар чекса минг хори дард,
Сўнги тушса илгига бир тоза вард¹.

Не фаррухдур² ул ҳажр овораси
Ки, васл эткай охир анинг чораси.

Эмас бўлса даврон муроди била,
Фано бўлса матлуб ёди била.

Шунинг учун ҳам дўстнинг дўстидан илтимоси ҳам мана шу оҳангларга мос ва муносибдир. У ўз сўзларининг “фонийлик оҳи била” эсга олинishiни истайди ҳамда шу руҳдаги дийдорлашувга умид билдиради:

Жанобингда улдур манга мултамас³
Ки, мен бенавони соғинган нафас.

Вард – атиргул, қизил гул.

Фаррух – муборак; гузал, бахтиёр, улуғ.

Мултамас – илтимос қилинган нарса.

Сузум айт фонийлиг охи била,
Мадад айла химмат сипохи била,

Бу эрди сузумким дедим мен ғариб,
Яна тенгри дийдор килғай насиб!

Демак, Навоий мазкур мактуб-маснавийсида фақат оддий мактубларда бўлиши мумкин бўлган икки киши орасидаги узаро муносабатлар доирасидаги мулоҳазаларинигина эмас, балки икки буюк шахслар ўртасидаги кўнқиррали муносабатларнинг яхлит бир умумлашмаси сифатида ўзининг олам ва одамга бўлган муносабатларини ҳам жуда ёрқин ва ўзига хос тарзда акс эттирган. Бу мактуб-мушоҳадаларни ўша даврдаги шоир фалсафий-ижодий концепцияси акс этган бадий ҳужжат сифатида қабул қилиш мумкин.

Айни пайтда унда Алишер Навоийнинг юксак инсоний ҳамда ижодкорларга хос бўлган кўплаб фазилатлари ҳам бўртиб намоён бўлган.

Булардан келиб чиқадиган асосий хулосалар шундан иборатки, таълим-тарбия жараёнида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда бошқа манба ва материаллар билан бир каторда мутафаккир адибнинг ўз ҳасби ҳолларига эътиборни тортиш кўпроқ таъсир кучига эга бўлади.

Бундай шакл ва усуллар, бир томондан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодидаги энг муҳим қирраларни билиб олишга кўмаклашса, иккинчи томондан, айрим асарларнинг пайдо бўлиш тарихи ва сабабаларини, уларнинг юзага келишига туртки бўлган манба ва омилларни аниқроқ билиб олишга шароит яратади. Қолаверса, ҳасби ҳол типидagi асарларнинг кенг ва чуқур ўрганиш Алишер Навоий даҳосини англаш, унинг шахсиятидаги ўзига хосликларни туғри ва аниқ белгилаш ва баҳолашга ҳам катта имкон беради.

ПОЭТИК ВАРИАЦИЯ АЛИШЕР НАВОЙИ МАҲОРАТИНИНГ БИР ҚИРРАСИ СИФАТИДА

Санъат тарихида шундай ҳодисалар мавжудки, уларни фақат алоҳида олинган бир санъат тури доирасида ўрганиб, таҳлил қилиш орқали тегишли хулосаларга келиш қийин. Шунинг учун ҳам бундай ҳолатларда уларнинг ўзаро алоқадор жиҳатларини назарда тутиш, тегишли факт ва ҳодисалар моҳиятини ёритишда мана шу ўзаро ҳамкорлик ва алоқадорлик хусусиятларидан келиб чиқиш зарур бўлади.

Биз Алишер Навоийнинг поэтик маҳорати ҳақида мулоҳаза юритишга жазм этганимизда қўпинча мана шундай нисбатан мураккаб ҳодисаларга ҳам дуч келамиз. Улардан бири муайян поэтик фикр ифодасидаги ранг-баранглик билан алоқадор. Бу илмий адабиётларда “вариация”, “поэтик вариация” номлари билан юритилади. Биз шу ҳодиса моҳиятини аниқроқ тасаввур этиш мақсадида айрим манбаларга мурожаат этдик.

“Муסיқий атамалар луғати”да кўрсатилишича, танлаб олинган бирор фикр ва туйғулар ранг-баранглигини алоҳида олинган асар (ёки унинг муайян бир қисми)да акс эттириш санъатнинг қўпгина турларига хос. Жумладан, муסיқада умумий оҳанг ва гармонияни сақлаган ҳолда, тематик асосдан чекиниш, аниқроғи, уни янги оҳанглар билан бойитиш етакчи мавқе тутди¹. Мазкур манбада “вариация” атамаси шундай изоҳланади: у лотинча *variatio* — “ўзгариш”, “хилма-хиллик” деган сўздан олинган бўлиб, муסיқий асардаги асосий мавзунинг оҳанг, ритм, вазн, гармоник жиҳатдан ўзгаришга учрашини назарда тутди. Қатъий вариацияларда умумий оҳанг ва гармоник режа сақлангани ҳолда, эркин вариацияларда мавзувий асосдан чекинишдан тортиб мустақил, кескин контрастда бўладиган муסיқий образларгача пайдо бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам умумий муסיқий ғоя асос сифатида сақланиб қолади. Вариациядан фойдаланиш мавзунинг ифода имкониятларини кенгайтиради, мавзуни ёритишда қўшимча омилларнинг жалб этилиши учун шароит яратади. Натижада, бадиий образнинг гулаконли ва мукаммал тарзда намоён бўлиши учун табиий

Қаранг: Словарь музыкальных терминов. – // <http://muzuchitel.com/terms.php?slovo=178>

поэтик шароит яратади¹.

Айни ҳодиса жаҳон фольклор асарлари поэтикаси учун ҳам хосдир. В.Я.Пропп фольклорда бадий асарларнинг ўзи ҳам яхлит ҳолда типларга, типларнинг сюжетларга, сюжетларнинг версия ва вариантларга ажралишини кўрсатади. Аммо булар бир асарга яхлит ҳолда татбиқ этиладиган ёндашувдир.

“Халқ оғзаки ижодининг жамоавий табиати (бунда жамоага оид фикр ва туйғулар ифодасигина эмас, балки асарнинг юзага келишидаги жамоавий ижодкорлик ҳам назарда тутилади) вариативликнинг, яъни матннинг яшашидаги ўзгарувчанликнинг пайдо бўлишидаги асосий омилдир. Бундаги ўзгаришлар услубий ранг-барангликдан бошлаб поэтик фикрнинг жиддий қайта ишланишигача бўлган қамровда ниҳоятда ранг-баранг бўлиши мумкин”².

Биз фикрларимизни “Садди Искандарий” достонидаги ҳиммат билан боғлиқ боби мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Бош ғоя биринчи бандда баён этилган. Унга кўра:

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Асосий фикр инсоннинг ҳиммат эгаси бўлиши устида бормокда. Шоир бу фазилатнинг ниҳоятда азиз ва мукаррам эканлигини таъкидлаш мақсадида бундай шахснинг “олам аҳли аро аржуманд” бўлишини алоҳида кўрсатиб ўтади. Назаримизда, “баланд” ва “аржуманд” сўзларининг кофияга сурилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, кофияда асосан, тасодифий эмас, балки мантикий залворни кўтариб турган сўзларгина келтирилади.

Кейинги мисра ва байтлар мана шу асосий фикрнинг изоҳларига қаратилган дейиш мумкин. Бунинг учун шоир бир неча вариантларни таклиф этади. Уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз:

1. Ҳиммат инсоннинг ҳақиқий инсонлигини белгилаш омилидир. Шунинг учун ҳам унинг бой-камбағаллиги моддий неъматларга эгалик даражаси билан ўлчанмайди:

¹ Уша манба.

Народное творчество. – // <http://dic.academic.ru/dic.nsf/bse/112453/Народное>

Киши нақди гар бир каро мис эмас,
Агар химмати бўлса муфлис эмас.

Шоир мана шу фикр билан кифояланиши мумкин эди. Аммо унинг назарида мазкур фикрнинг ўзи ҳам яна изоҳга муҳтож. Шунинг учун у ўз фикрини бироз ёйишга, шарҳлашга зарурат сезади:

Ани англа муфлиски, йўқ химмати,
Чу йўқ химмати, йўқ анинг хурмати.

Демак, моддий неъматларнинг йўқлиги кишининг камбағаллигини англабмайди. Аксинча камбағаллик инсон маънавияти билан алоқадор тушунча.

Афсуски, оламнинг “ойини” ўзгачароқ. Унда моддий бойлик эгаларигина “хурмат топар”:

Бу расм ўлди ойини дайри фано¹
Ки, хурмат топар кимда бўлса ғино.

2. Ҳиммат инсоннинг қадру қимматини оширадиган фавқулодда тенгсиз омилдир:

Чу ҳиммат эрур кимиёйи вужуд
Ки, андин топар эътибор аҳли жуд².

Кейинги мисралар айни мана шу тезисни ривожлантириш билан алоқадор.

Бировким, анинг кимиёдур³ фани,
Ани деса бўлғай эл ичра ғани.

Гарчи, бир қарашда, гап моддий дунё ҳодисалари устида бораётгандек бўлса ҳам, аслида ундай эмас. Гап тупроқни олтинга айлантириш устида эмас (бу фақат мантиқий қиёс, холос), балки яхшини ёмондан ажратишни, саралашни уддалай олишдек маънавий фазилат устида бормоқда. Ана шундай одамлар бой (“ғино”) бўла олади. Демак, бу ерда ҳам яна

Дайри фано – муваққат олам, бу олам.

¹ Аҳли жуд – инъам аҳли/ эҳсон қилувчилар; қўли очиклар.

² Киме – мис, қалъин (яхатто тупроқни ҳам) олтинга айлантира оладиган имконият. санъат.

кишининг “ҳиммати бўлса муфлис эмас”лиги мантиқан такрорланмоқда. Кейинги байт мазкур фикрни яна бир марта бошқачароқ сўзлар иштирокида таъкидлаш вазифасини адо этади:

Ғинодур чу эл ҳурматиға сабаб,
Анга эҳтиром этсалар йўқ ажаб.

3. Ҳимматнинг бор-йўқлиги шахс маънавий оламининг даражасини исбот этадиган омил сифатида намоён бўлади. Хусусан, ҳимматнинг йўқлиги унинг бошқалар олдидаги ҳурмат ва эътиборининг йўқлигига сабаб бўлади:

Бировким, анинг ҳиммати йўқтурур,
Ғани бўлса ҳам ҳурмати йўқтурур.

Бу фикрлар бизга ўз-ўзича юкорида келтирганимиз байтни эсга солади:

Бировким анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд.

Адиб ҳимматнинг борлиги ва йўқлигидаги иккита ҳолатни ўзаро қиёслашни кўзда тутган. Яъни олдин айтилган фикрга бу ерда зид мулоҳазани келтириш орқали уларни яна бир марта китобхон назаридан ўтказиб олишга уриниш мавжудлигини сезишимиз мумкин. Демак, ҳимматли одам азизу муътабар бўлади, ҳимматсиз киши эса эл назаридан ташқарида қолади, дейилган ҳукм бир неча шаклларда, агар жоиз бўлса, такрорланади. Аммо бу маънавий такрорлар, холос. Шунга кўра ҳам улардаги маънавий қайтариқлар сезиларсиз тарзда намоён бўлади. Факат асалий маънога тушган урғугина кишига завқ ва ҳузур беради.

4. Моддий бойликларга эгалик маънавий олам мавжудлигига дахл килиши, унга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тутай, дунсифат кимсанинг ганжи бор,
Туну кун анинг ҳифзидин ранжи бор.

Эътибор берилса, фикр ҳар қандай одам устида бораётгани йўқ. Байтда кишилик жамиятининг айрим қавмлари устидагина гап бораётир, холос. Бу ерда ўша қавм “дунсифат кимса”лар

гуруҳида бирлашган. “Дунсифат”нинг луғавий маъноси “пасткаш”дир. Демак, ҳар қандай инсоннинг эмас, балки тубан, ахлоқсиз кишиларнинг ганжга эғалигигина беоромлик ва ноқулайликларга сабаб бўлади. Шунга карамай, байтнинг асосий маъносини “моддий бойликларнинг эгаси уни муҳофаза қилиш изтироби билан банд бўлиб қолади, айти мана шу ҳолат уни бошқа нарсалардан, айтникса, маънавият олами билан шуғулланишдан чалғитади”. тарзида шакллантириш мумкин. Айти шу маънони биз кейинги байтларда ҳам кузатамиз:

Пашизе агар тугди эрса лаим.

Мудом очмоғидин топар кўнгли бим.

Хасис (одам) арзимас чакани тугиб юрса ҳам,

Уни очишдан кўнглида ҳар доим ваҳима бўлади.

Мазкур маъно уни олдинги байт билан яқинлаштиради. Аммо бу байтда “қўлдаги моддий бойликни кўриб туриш иштиёқи” маъноси ҳам мавжуд. Худди шу маъно адиб томонидан кейинги мисраларда янада кенгайтирилган:

Десақим: очай тонгла, ёхуд бугун,

Тугар ул тугунга яна бир тугун.

Эгасининг бутун фикри-зикрини ўша бойлик банд этади. Шунинг учун ҳам у эртага хабар олишни режалаштиришига карамасдан, бугуннинг ўзидаёқ у билан банд бўлади. Тугуннинг устига тугун қўшади.

Моддий бойлик – “тугилган тугун”ни очишдан мақсад кейинги байтлар мазмунини шакллантирган.

Очардин эмас коми тарқотмоғи,

Ғараз бор анга ўзга бир котмоғи...

Энди шоир ҳиммат ва ҳимматсизлик муқоясасининг янги бир қиррасини кашф этади. Ҳиммати йўқ одамнинг “ғани бўлса ҳам ҳурмати” нима учун бўлмаслиги мантиқий асосланади. Ҳозирги ҳолатдаги асосий маъно: “бойлиги бор, лекин бу бойликдан бошқаларга ҳеч қандай манфаат йўқ” деган хулосага асос бўлган. Эътибор беринг:

Айиғ лаъбидин¹ жатқаким² нон еюрур,
Ани итга солмоқ не имкон эрур.

Айни мана шу хислат учун муаллиф бир неча параллелликларни келтиради. Айиқ уйнатувчи айикка нон беради. Шу нонга ит ҳам мухтож. Аммо бу нарса имкондан ташқаридир. Айиқ уйнатувчи учун итнинг оч ёки туқ бўлиши мутлако эътиборли эмас. Шу силсилада маймун ҳам мавжуд. Унинг асосий мақсад ва муддаоси мулк йиғиш билан боғлиқ:

Бижин топса ер, то ичига сиғар.
Не қолса овуртига³ борин йиғар.—

Яъни маймун ичига сиққинича ейди-ку, ортиб қолганларини ўз лунжида тўплайди.

Бу борада зоғ (қарға) ҳам ундан орта қолмайди:

Йиғоч узра гар бўлса юз минг ёнғоғ
Қўмар ерга ҳар не ўғурлади зоғ.

Энди мисол сифатида яна бир янги факт – сиққон келтирилади:

Ер остики сиққонга қошонадур,
Яна анда ҳар ён ниҳон хонадур.
Разолатни ҳаддин қачон ошурур,
Ўзидин доғи туъмасин⁴ ёшурур.

Мазкур байтлардаги асосий фикр моддий бойликларга муқкасидан кетганларнинг салбий кифасини кўрсатиб беришга қаратилган. Бу рўйхат жуда узун. Муаллиф атайлаб шундай силсилани пайдо қилади. Уларнинг намоси бўлиш шаклларининг ҳам ранг-баранглигини кўрсатиб беради. Ҳар ҳолда, уларнинг барчаси қундалиқ юмушларни шунга қаратган. Улардаги салбийликнинг даражаси ҳам ўзига хос. Мазкур фикрнинг янгича

Лаъб – уйин, найранг, кўнгил очиш; бу ерда гап айиқ уйнатилиш орқали ҳунар кўрсатиш устида бормоқда.

Жат – хайвон уйнатувчи.

Овурт -- лунж.

Туъма – озиқ, таом, лўқма.

бир ифодаси эса янада аянчлироқ манзаралар таъсирига бағишланган кейинги мисоллар воситасида давом эттирилади. Ут сқувчи – гулаҳ бойлик сифатида тезак тўплайди. Узлуксиз уни йиғиш ва асраш билан банд бўлади:

Нажосат йўлидин куюб гулхани,
Захирам, деб анбор айлар ани.

Ушбу санокда гўнгкўнгиз ҳам алоҳида ўрин тутати. У билан боғлиқ мисол янада таъсирлироқ. Тасвирдан маълум бўладик, у шу даражада тезак териш билан банд, ҳаттоки унинг ранги қорайиб ҳам кетган, бўйни эгилган, яъни шарманда ва шармисор бўлган. У ўз ишига шунчалик берилганки, отнинг оёғи остида қолиб кетиш хавфи ҳам уни бу ишдан тўхтата олмайди:

Жуалдур¹ тезак тошимокдин забун
Ки, бўлмиш қарориб, юзи сарнигун.

Ани қўймас улмақлигин билса ҳам,
Неча от оёғига янчилса ҳам.

Буларнинг барчасидаги умумий фикр ижтимоий жихатдан номуносиб ҳатти-ҳаракатларнинг қораланиши нуктаи назаридан бирлашади. Адиб уларни турлича ранг-барангликда ифодалаш билан кишилар – ўқувчи (китобхон) эътиборини ҳимматнинг улуғлигига, ҳимматсизликнинг нақадар аянчли эканлигини мулоҳаза қилиб қўришга ундайди.

5. Ҳимматли ва ҳимматсиз кишилар бир-бирга ўхшамайди. Уларнинг орасидаги айирма жуда катта:

Қўрар айб дун сарф қилмоқ дирам,
Анингдекки, йиғмоғни аҳли қарам.

Яъни пасткаш одам пул сарфлашни ўзига айб ҳисоблайди, бу худди қарам аҳлининг мол йиғишни айб деб билганига ўхшайди. “Айб” луғатларда “камчилик”, “нуқсон”, “ғуноҳ” сўзлари билан изоҳланади. Навоий мана шу икки тоифанинг

¹ Жуал – гўнгкўнгиз.

“айб” деган тушунчани кандай талкин килишларига эътибор қаратмоқда. Демак, уларнинг бири (“дун”) пул сарф қилишни, яна бири эса (“аҳли қарам”) уни йиғмоқни шу ходисага сабаб деб билмоқда. Ушбу байтдаги “айб кўрмоқ” ҳар икки мисрага ҳам бирдек тааллуқли. Ушбу фикр ифодаси насрга айлантирилса уни тахминан, шундай тасаввур қилиш мумкин бўлади: “Дун дирам сарф қилмоқни, аҳли қарам уни йиғмоқни айб кўради”.

Мазмуннинг ўзи эътиборга лойик. Бу ерда саховат ва ҳасислик жуда гузал тарзда тавсифланмоқда. Бунга икки қарама-қарши кутбда турадиган тушунчаларни ифодаловчи сузларни қўллаш воситасида эришилган. “Дун” билан “аҳли қарам”, “сарф қилмоқ” билан “йиғмоқ” шу мақсадда келтирилган. “Дирам” ва “қарам”нинг мисра охирида, қофияда келтирилиши эса маънонинг кучайтирилиши учун алоҳида хизмат қилмоқда. Айрим товушлар такрори ҳам байтдаги мусикийликни, оҳангдорлик ва шеърӣй ритмнинг кучли тарзда рўёбга чиқариш учун бўйсундирилган. Жумладан, “а” товуши ҳар икки мисрада ҳам тўрт мартадан, жами саккиз марта такрорланган. Бундай ходиса “и” товушида ҳам мавжуд. У биринчи мисрада икки, кейинги мисрада беш, умумий ҳолатда етти марта такрорланади. “Д”лар билан боғлиқ аллитерация, “а”лар билан алоқадор ассонанс ходисаси ҳам мавжуд. Натижада шеърӣй мисраларнинг раван ва ёқимли оҳанги юзага келади.

Энди навбатдаги байтларга эътибор берайлик. Уларнинг миқдори учта. Муҳими, уларда қарамли ва қарамсиз кишиларнинг ўзига хос қиёси амалга оширилган:

Қарамдин бировким тихи¹ жайб² эрур,
Тихи айламак жайб анга зйб эрур.

Бу иш ҳиммат аҳлигадур ибтило³
Ки, жайби дирам бирла бўлғай туло.

Қарамсизки бор уйда маҳзан анга,
Фалокат била фоқадур⁴ фан анга.


Тихи – буш, холи.

Жайб – чўнтак, қисса.

Ибтило – мубталлолик, балога гирифтор бўлиш

Фока – камбағаллик, бечоралик, муҳтожлик.

Буни график жиҳатдан қуйидагича акс эттириш мумкин:



Бунда биринчи байт умумлаштирувчи ва асосий фикр объекти сифатида намоён бўлади. Кейинги икки байт эса унинг “шарҳ ва изоҳлари”дан иборатдир. Иккинчи байт олдингисининг изоҳи сифатида юзага келган. Шунга қарамай, у байтни тулиғича эмас, балки ундаги қарамли шахс ҳақидаги қисминигина шарҳлашга йўналтирилган. Бу маънода учинчи байт умумий тарзда дастлабки байт изоҳига хизмат қилса-да, асосан, иккинчи байтга мантикий зид йўналиши билан кейинги байтнинг поэтик вариацияси учун бўйсундирилгани ҳам кўриниб турибди.

Булар ўзларида борини бошқаларга берадиганлар билан боғлиқ манзаралар. Бунинг бошқачарок кўринишлари ҳам мавжуд. Улар орасида ўзларида бўла туриб уни емайдиганлардан иборат гуруҳ ҳам бор. Бу мантиқан олинги байтлар мазмунини давом эттиради. Шунга қарамай, уларда яна битта янги маъно кирраси намоён бўлади:

Емас элки амвол¹ аро бўлса ғарк,
Алар бирла муфлислар² ичра не фарк?

Десам ҳам бўлурким, эрур фарқи кам,
Хирад оллида қупдурур фарқи ҳам

Ки, ҳар неча бемоя бўлса лаим³,
Анга кимсадин йўқдурур ҳеч бим⁴.

Молу мулки беҳадду поён бўлишига қарамасдан улардан кундалик эҳтиёжлари учун фойдаланмайдиган одам билан шу нарсаларга эга бўлмаган бир бечора, қамабағал орасида қандай фарқ бўлиши мумкин?!

Амвол – молу мулк, молу дунё, бойлик.

Муфлис – қамбағал, факир, бечора, ночор, қаншоқ.

Лаим – ҳасис, паст, ноқас.

Бим – ҳавф, хатар, қўрқинч, ваҳм, таҳлика.

Уларнинг фарқи жуда кам, арзимасдир. Аммо ақл эгалари олдида бунинг тафовути жуда катта. Мулксиз кишилар ҳеч кимдан хавфсирамасдан эркин, тинч ва осойишта яшай олишади. Уларга ҳеч ким даҳл қилмайди. Бундай эҳтимолнинг ўзи ҳам мавжуд эмас. Аммо катта хавф ва хатар ганж ва хазинага эгалик туфайли пайдо бўлади:

Вале бўлди чун ганжию махзани,
Халойиқ эрур жонининг душмани.

Адибнинг назарида энг катта фожиа мана шунда: мулк дағдағаси битта одам учун қўпчиликнинг қасд қилишига олиб келиши, уларнинг “ганжию махзани бўлган” киши “жонининг душмани”га айланиши ҳеч гап эмаслигида. Алишер Навоий табиатда бундай ҳолга қиёс бўладиган ҳодисаларнинг қўплигини таъкидлайди. Мана улар:

Қизил тулку ёхуд қаро киши киби
Қи, бўлғай туқи қатлининг мужиб¹.

Қизил тулки ёки қора сувсарнинг (чиройли ва нодир) туклари уларнинг ўлимига асосий сабаб бўлади. Ёки садаф ўз бағрида покиза дурни асрагани учун ҳам унинг қўксини ёришади:

Садафдекки йиққон учун дурри пок,
Қилурлар олур чоғда қўксини чок.

Шундан кейин “ҳиммат аҳли” тавсифига ўтилади. Уларнинг қўнгли жуда кенг. Шу кенглик бой ва қамабағалларни бир маромда – ўзаро тенг тутиб туриш учун қифоя қилади. Уларнинг ганжи – хазинаси бўлса, уни бошқаларга бериши мумкин, охириги чақа пулларни бериб юбориш ҳам улар учун хос. Топилганида тансиқ таомларни егани билан мактаниб юрмаганидай, ночор ҳолатларда “ёвғон умоч” есалар ҳам қўнгиллари чўкмайди:

Қўнгул ҳиммат аҳлиғақим бўлди кенг,
Ғино бирла фақр ўлди оллинда тенг.

¹ Мужиб – сабаб, боис.

Не ганж ўлса бермакда бордур азиз,
Не номус этар бергали бир пашиз¹.

Мубоҳот килмас емакгин кулоч.
Ғамин бўлмас ар топса ёвғон умоч².

“Хирад аҳли” уларга ҳам ўз муносабатини билдиради. Улар сарф этган маблағ эвазига ундан баҳраманд бўлганлар муносиб жавоб қайтаришмайди, билакс. улардан машаққат ва ранж етишади. Ҳиммат аҳли учун бошқалардан ўз яхшиликларининг жавобини кутиб юриш хос эмас. Уларнинг энг катта хазинаси – бойлиги ўзларининг қалбларида мавжуд бўлган ҳиммат туйғуларидир. Худди шунинг учун улар кўрсатган эзгуликларига муносиб жавоб олишмаса ҳам бу йўлларида қайтишмайди, ўзларининг доимий ҳаракатларини асло ўзгартиришмайди:

Хирад аҳли чунким тааммул қилур,
Тафовут бу икида ҳам топилур.

Не нақдеки аҳли карам сарф этар,
Анга халқдин кўн машаққат етар.

Агар йўк анга базл³ этар дастрас⁴
Ки, зоти аро ҳиммати ганжи бас.

Не элдин топар ҳар замон юз малол,
Не аҳволиға юз қўяр ихтилол⁵.

Мазкур тасвир принципи асар охиргача давом этади. Адибнинг назарида ҳиммати баланд бўлган кишиларнинг бу оламда имтиёзлари бўлади. Улар бошқаларнинг иддаоларидан, азобу уқубатларидан холи бўлишади:

Кишиким бийикракдурур ҳиммати,
Жаҳон аҳлидин камдурур меҳнати.

Пашиз – пул, чақа

Умоч – таом номиди.

Базл – инъом, эҳсон, ҳадя; сарф, харж

Дастрас – қўл етиш, етишиш, яришиш; имконият.

Ихтилол – ҳалал толиш, бузилиш.

Бу асосий хулосалардан биридир. Шунинг учун Алишер Навоий бу хулосанинг бошқалар онгу шуурнга етказишни, уларнинг қалбларида айнан мана шу ҳукм мустаҳкам равишда ўрнашиб қолишини истайди, ушбу ният йўлида у яна оламдаги бошқа ҳодисалардан параллелликлар топади, бундай ҳаётий ҳикматларнинг вариантлари пайдо бўлади: фикр исботи учун камончи, осмондаги қушга ўк отувчи овчи, осмоннинг шамъини ўчириш учун интилаётган боланинг пуфлаши. тоғнинг тепасига чикиб олиб ойга чанг солишга интилаётган йўлбарс ва бошқаларнинг киёси келтирилади:

Не қушким баланд ўлса парвоз анга,
Ҳалок истамас новакандоз анга.

Парвози баланд бўлган қушнинг имтиёзи бор. У қўлида камон тутган овчи ўқидан фориг бўлади. Юксакларда парвоз этаётган қушни кўрганидан кейин овчи ўз ҳаракатларининг зое кетишини билади, шунинг учун унга ўк отиб ҳам ўтирмайди. Бугина эмас, бошқа ҳодисани ҳам эслатиш мумкин. Гарчи мушак отиш доимий иши бўлишига қарамасдан мушакчи булут момуғини ёндира олмайди:

Агарчи эрур мушак отмоқ иши,
Булут момуғин ўртай олмас киши.

Бола шўхлик килиб пуфлаш билан шамни ўчириши мумкин. Аммо у юлдузлар шамъини ўчира оладими?

Неча тифл қилса пулаб хийралик,
Қачон шамъи анжум топар тийралик?

Йўлбарс улуғ тоғнинг тепасигача чика олиши мумкин. Шунга қарамасдан, у осмондаги ойга чанг солишни уудалай оладими?

Тутайким, бийик тоққа чиксун паланг,
Тўлун ойга секриб етургайму чанг?

Алишер Навоий химматнинг чеку чегарасиз имкониятлари инсоннинг камолоти учун муҳим омил эканлигини қайта-қайта такрорлар экан, бундаги асосий муддао сифатида “элнинг факр” истайдиган огоҳлик даражасига етишини орзу қилади:

Магар Ҳак етургай бу огоҳлик
Ки, факр истагай эл, қўюб шохлик.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, Алишер Навоий фольклорда анча машҳур бўлган бадий вариация моҳиятини жуда пухта равишда ўзлаштирган. Унга ижодий ёндашган ҳамда унинг янги ва янги турларини кашф ҳам этган. Одатда бадий вариация айрим асарларнинг таркибида аҳён-аҳён ҳоллардагина учрар эди. Алишер Навоийда ҳам бадий вариациянинг бу тури сероб. шунга қарамасдан, ҳозир кўрганимиздай, у айрим ҳолларда мазкур тасвир усулини алоҳида олинган мавзуларни ёритишда махсус тасвир принципи сифатида қўллаган ҳоллар ҳам мавжуд.

Умуман, Алишер Навоий бадий вариациядан жуда унумли тарзда фойдаланган ва бу соҳада ҳам ўзига хос кашфиётларни амалга оширган. Алишер Навоий учун бадий вариация айрим фикрларнинг хилма-хил шакл ва маъно нозикликларини ифодалаш имконини берган.

ИСКАНДАР ВА ҲУСАЙН БОЙҚАРО ТАСВИРИ ТУҒРИСИДА

“Садди Искандирӣ” достонининг саксон туртинчи боби “шаҳзодаи сипеҳржаноб мадҳида”дир. Сарлавҳада шоир муддаоси ўзининг гузал ифодасини топган: “шаҳзода мадҳин насойиҳ била ихтисор қилмок ва ети ҳаким била Искандар ҳикматларин анга ошкор айламак ва сўнгра қойил ўз зодаи таъби ики лаъли оташин анинг қулоғига лойиқ ва ики дурри самин анинг истимоиға мувофиқ назм силкига тортмок ва дуо жавохири била хатм қилмок”.

Шоирнинг эътирофича, “иқбол корсоз ўлуб” у бундай улуг ишни уддалай олган. Адиб “Садди Искандарий” ҳақидаги сўзнинг “итмомиға етгани”ни мамнуният билан қайд этади.

Искандар “тахтгир” эди. Аммо бу оламдан кетаётганида у “тожу сарир (тахт)”ини қолдириб кетди. Искандардай буюк оламгирнинг жаҳондан кетиши кўнгилларга ғаму қайғуни келтирмаслиги керак (“Бу иштин жаҳон бўлмасун дарднок”). Зеро, унинг ўрнига муносиб бўлганлар келди (“Чу қойим-маком ўлди пайдо, не бок?”). Бу Султон Ҳусайндир. Адиб уни Искандари соний дея улуғлайди:

Бори шохлар сарфарозини бил,
Скандарсифат Шоҳи ғозийни бил.

Эрур олам аҳли ниғаҳбони ул.
Ниғаҳбон йўк, Искандари сони ул.

Навоий поэтикасидаги асосий унсурлардан бири ходисалар тасвиридаги қиёслаш усули эканлигини мутахассислар кўп маротаба қайд этишган. Шоир бу ўринда ҳам шу усулдан унумли фойдаланади. Уни жадвалда шундай кўрсатиш мумкин:

Искандар	Ҳусайн Бойқаро
Скандар агар келди ойинасоз,	Замири анинг бўлди миръоти роз.
Гар ул ⁴ ганжлар узра қилди тилисм,	Мунга ганж сарф айламак бўлди киём.
Гар ул эрди ҳикмат тариқида ҳвост,	Бу келди таваккул йўлида дуруст.
Гар ул қўймади душман этмай табоҳ,	Бу – душманларига эрур неқхоҳ.

Гар ул – рой ила килди ҳар ишни биг,	Мунга Ҳақ насиб айлади рою тиг.
Гар ул оби хайвон учун сурди от,	Мунунг ҳар сӯзи келди оби ҳаёт.
Гар ул фитна яъжужига чекти сад,	Мунунг мулкига фитна келмак не хад.
Гар ул олам олди тузуб доругир,	Бу — олам берур, истаса бир факир.
Анга гар йук эрди халафдин шараф,	Мунга Тенгри берди ун олти халаф.

Ушбу қиёсларнинг асосий мазмун ва моҳияти Ҳусайн Бойқарога хос бўлган маънавий оламдаги ўзига хосликларни кўрсатиб беришдан иборат.

Искандар “ойинасоз” эди. У ўзи ясаган тилсим билан олам ҳодисаларининг мазмуни ва моҳиятини англашга йўл топган. Унинг бутун ҳаракатлари олам учун эди. Ҳусайн Бойқаронинг фаолиятида эса кўнгил оламини, инсон руҳиятига хос бўлган сиру асрорларни инкишоф этиш бош ўринда туради.

Искандар дунё бойликларини тўплашга асосий эътибор қаратади. Ҳусайн Бойқарода эса “ганж сарф айламак” устуворлик қилади. Искандарнинг асосий одати ҳикматга мойиллик билан белгиланади. У бу боради “чуст”, яъни “мунтазам” ва “маҳкам” эди. Ҳусайн Бойқаро эса “таваккул йўлида дуруст”лиги билан ажралиб туради. Таваккул ҳар бир ишда Оллоҳга суяниш ва унинг мададидан умидвор бўлиш, ҳар бир ишга кучли ирода ва собит эътиқод билан киришиш демакдир.

Искандар душманларини хароб этмагунча кўнгли хотиржам бўлмайдиган шахслар тоифасидан. Ҳусайн Бойқаро эса Навоий тасвирида ҳатто душманларига ҳам эзгуликларни истайдиган, раво кўрадиган фазилат эгасидир.

Искандар ҳар бир ишда ақлини пешво деб билган бўлса, Ҳусайн Бойқарога тангри ақл ва киличдаги забардастликни қўшиб бергандир.

Искандарнинг асосий мақсади оби ҳаёт – тириклик сувини, мангу яшаш имконини излаш эди. Ҳусайн Бойқаронинг эса ҳар бир сўзи бошқалар учун оби ҳаёт – тириклик манбаи вазифасини адо этади.

Искандар истиора воситасида “фитна яъжужига тўсиқ (“сад”) ўрнатган бўлса, Ҳусайн Бойқаронинг обрў ва эътибори шу даражага етган эдики, унинг “мулкига фитнанинг келиши учун журъати етишмас эди”.

Агар Искандар талашу тортишишлар билан оламларни эгаллаган бўлса, Хусайн Бойқаро агар бир бечора бирор нарса истаса, унга оламларни ҳам берар эди.

Искандар ўзига ўринбосар (фарзанд) қила олмади, Хусайе Бойқарога эса тангри ўн олтига ўринбосар – фарзанд ато этган эди.

Анга гар йўқ эрди халафдин шараф,
Мунга Тенгри берди ўн олти халаф³.

Буларнинг барчаси Алишер Навоий ижодининг янги ва янги кирралари ҳақида маълумот беради, буюк мутафаккир ижодининг ўзига хос хусусиятлари, такрорланмас услуби, гузал бадиятининг туб моҳиятини кўришга, кузатишга ҳамда тегишли хулосалар чиқаришга бой манба ва материаллар вазифасини адо этади.

«АЛФОЗ ВА ИБОРАТДИН МУРОД МАЪНИДУР»

Бугун Давлат тили тўғрисида»ги Қонун бандлари ҳақида гапирганимизда тилимизнинг софлиги, тиниклиги, унинг ифода имкониятлари ҳақида ҳам, шу имкониятлардан нечоғли тўғри ва унумли фойдаланаётганимиз ҳақида ҳам гапириш ўринли бўлади. Фахр ва ифтихор билан айтишимиз мумкинки, бу борада мақтана оладиган ютуқларимиз кўп. Шунингдек, яхшиланиши лозим бўлган нуқталаримиз ҳам йўқ эмас. Ҳар ҳолда ёшларнинг, айниқса, умумий ўрта таълим мактаблари, АЛ ва КҲҚ ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқлари биз ўйлаган даражага етганича йўқ.

Биз – мутахассислар шу масалаларга, шунингдек, нотиклик санъатига, муайян ҳодисаларнинг моҳиятини аниқ, ихчам, тушунарли, энг муҳими, таъсирчан ифодалаб бера олишига камрок эътибор бераётганга ўхшаймиз. Болаларимизнинг ёзма нутқларига жиддий эътирозлар туғилаётгани сир эмас. Яна бир тан олишимиз лозим бўлган ўрни шундан иборатки, ёшларимизнинг нутқлари анчайин камбағал. Ваҳоланки, буюк Алишер Навоий ўзбек тили ички имкониятларининг нақадар кенглигини XV асрдаёқ кўрсатиб берган эди. Навоийнинг қўллаб асарларида тилнинг аҳамияти, ўзбек тилининг таровати ва нафосати борасида гузал фикрлар баён этилган. Жумладан, «Муҳокамат ул-луғатайн» асари шундай сўзлар билан бошланади:

«Бисмиллаҳир раҳман ир-раҳим, аҳамду лиллоҳи имтоза-л-инсана ало соирил-махлуқоти бишарафи-и-нутқ-ва-л-лисони ва азҳара мин азубати лисониҳи ва ҳоловати баёниҳи суққари-и-шукри ва шаҳди-и-шухуди ва-л-имтинони» (Инсонни нутқ ва тил билан шарафлаб, тилининг ширинлиги, фикр баён этишнинг гузаллиги, шукр айтишнинг шақари, (Оллоҳнинг бирлигига) гувоҳлик беришининг асали ва миннатдорчилиги туфайли уни (инсонни) яратган, барча бошқа жонзотлардан улуғ ва мумтоз қилган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин)¹.

Навоийнинг таъкидлашича «алфоз ва иборатдин мурод маънидур». Адиб ўзбек тилининг ички имкониятлари ниҳоятда катта эканлигини факат назарий жиҳатдан эмас, амалий жиҳатдан

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ҳафтинчи том. Муҳокамат ул-луғатайн

– Тошкент: Фан, – 2000. 7-, 309-бетлар.

ҳам кўрсатиб берган. Жумладан, суюкликни ичиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ифодаси учун кўплаб сўзлар борлиги қайд этиларкан, дастлаб, қуйидаги мисол келтирилади:

Соқий, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай,
Шарт буким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб сипқорай.

Кейинги мисол ушбу ҳаракатнинг бошқа бир ифодаси ҳақида. Унинг маъно нозиклиги эса қуйидаги байтда келтирилади:

Соқий чу ичиб, манга тутар қўш:
Томший – томший ани қилай нўш.

Кейинги мисол «бўхсамоқ» сўзининг истемоли билан боғлиқ.

Ёки йиғламоқ маъносини берадиган сўзлар силсиласи ҳам бу жиҳатдан эътиборлидир:

Зохид ишқин десаки, қилғай фош,
Йиғламсиниру кўзига келмас ёш.

Бу ерда *йиғламоқ* ҳаракатининг бошланғич нуқтаси кўрсатилган. Унда йиғлаш ҳаракатининг ўзи йўқ, балки унинг бошланғич нуқтаси бор. *Инграмоқ ва синграмоқ* феълларида эса бу ҳаракатнинг даражаси анча ортиқлиги билан намоён бўлади:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,
Кечалар гаҳ *инграмакдур* одатим, гаҳ *синграмак*.

«*Сихтамоқ*»ни Навоийнинг ўзи йиғламоқда муболағадур, дейди:

Ул ойки, кула-кула кироғлатти мени,
Йиғлатти мени демайки, сиқатти мени.

Ниҳоят бунинг олий даражаси «*ўкурмак*» сўзи билан ифодаланади. Навоийнинг айтишича: «бийик ун билаки, эътидолсиз ошуб била йиғлагайлар, ани ўкурмак дерлар ва туркчада ул маънида бу матлаъ борким:

Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур,
Фирок ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўкурмакдур».

Ингичка ва нозик ун билан йиғламоқнинг номи «*инчқирмак*» бўлса, яқинларидан жудо бўлган ҳолдаги йиғининг номи «*ҳой-ҳой йиғламоқ*»дир:

Навоий, ул гул учун хой-ҳой йиғлама кўп,
Ки ҳай дегунча не гулбун, не ғунча, не гул бор.

Алишер Навоий ҳар доим лафзларнинг пок бўлишини талаб қилади.

Пок лафз айтурға оғзинг пок қилким, хайфдур
Яхши сўз боринда сурғай нуктаи мазмун оғиз (Ғ.с. 187).

“Пок” сўзи остида эса “тоза”, “соф”, “ҳалол”, “ҳолис”, “сара” сингари маънолар тушунилади. Бунга эришмоқ, рноя қилмоқ учун эса биргина шарт лозим: сўз айтадиган оғизнинг ўзи пок бўлмоғи жоиз.

Аммо сўз айтилишидан ташқари эшитилиши ҳам лозим. Эшитган одам кишининг ҳолатига, рухиятига, бошқа ўзига хос хусусиятларига ҳам эътибор бериши, ҳозирги тушунчаларимиз билан ёндашиладиган бўлса, нутқ шароитига қараши лозим.

Кишики зоҳири ошуфтадур замирига бок,
Басоки маъни эрур поку лафз номарбут¹. (Н.ш. 204)

Кишининг яхши сўзлари ҳам баъзан пароканда, ўзаро боғланмагандай таассурот қолдиради. Шунда шошилиб хулоса чиқариш ярамайди, унинг “замирига” (қалби, дили, фикрига) боқилса, масала ойдинлашади. Ваҳоланки, бу кишининг ташқи томони (“зоҳири”) “ошуфта”, яъни “девона” бўлиб кўриниши ҳам мумкин.

Навоийнинг ўз шеърояти билан фахрланиш туйғулари ҳам ўзига хос тарзда акс этган:

Эй Навоий, чун гуҳар бекадр эрур шоҳ оллида,
Не ажаб гар бўлса назмингдин қошида хор лафз. (Ғ.с. 235).

Кўриниб турганидай, шоир ўзи ёзган асарларнинг кадру

Номарбут – бир-бирига боғланмаган, қовушмаган.

қимматини яхши билади. Агар гавҳарнинг шоҳлар олдида бекадрлиги назарда тутиладиган бўлса, ёр олдида сенинг назминг туфайли лафзнинг хор бўлиши ҳам ажабланарли эмасдир. Бу ерда шоҳнинг наздида дуру жавоҳирларнинг ҳаддан ташқари кўплиги уларнинг бекадрлигига асос бўлаётганини эътиборга олсак, байт мазмунини тушунишимиз осонлашади.

Алишер Навоий бошқа бир ғазалида айни юқоридаги байтнинг маъно шарҳига эътибор бергандек бўлади:

Навоий назмига солса кулоқ шаҳ, не ажабким, бор
Анинг ҳар лафзида шоҳона лаълу дурри макнундек. (Ғ.с.336)

Бу билан шоир Навоийнинг шеърларидаги дуру жавоҳирларнинг оддий, шунчаки эмаслигини, балки уларнинг “шоҳона” ҳамда “дурри макнун” эканлигини таъкидлаётгани эътиборга молик.

Навоийнинг ошикона ғазаллари таркибидаги мана бу байт соф ишкий мавзуга оиддир. Аммо уни синчиклаб кузатиш бошқа бир хулоса учун ҳам катта имконият бериши мумкинлигини кўрсатиб турибди. Унда шоирнинг ўзаро ёзишмаларда, хат (мактуб)ларда, унинг матнини битишда ҳар ким жуда эътиборли, диққатни жамлаган, сўзларни танлашда синчковлик кўрсатадиган бўлиши лозим деган талабни уқиб олиш мумкин:

Ёрдин келмиш манга бир турфа мактуб, эй кўнгул
Ким, эрур ҳар сатри, бал ҳар *лафзи марғуб*, эй кўнгул. (Ғ.с.299)

Маълум бўлишича, ёрнинг бу галги мактуби ўзига хос. У аввалгиларига ўхшамайди. Шунинг учун бу мактуб “турфа” деган сифат билан аталган. Унинг турфалиги шундаки, ҳар сатри, ҳатто ҳар сатритгина эмас, балки ҳар битта лафзи – сўзи ҳам дилга хуш ёқадиган қилиб сараланган. Шоир шу ҳолатни ифодалаш учун “марғуб” деган сўзни қўллаган.

Мазкур фикр ҳам кейинги байтда яна мантикий давомини топган. Унга кўра:

Лафз йўқ, ҳар харфи жон ҳирзи¹, дағи ҳар нуктаси
Мардумак янглиғ биайниҳ *қўзга матлуб*, эй кўнгул. (Ғ.с.299)

¹ Ҳирз – омонлик жойи, сақланиш жойи, сигинадиган жой: буйин ёки қўлтиққа осиб зориладиган тумор.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, мактубнинг мазмунигина эмас, балки шакли, кўриниши, услуби ҳам мос ва муносиб бўлиши керак. Буни шоир “кўзга матлуб”лик андозаси билан улчамоқда. “Матлуб” сўзининг луғатларда “мақсад”, “муддао”, “талаб қилинган”, “хоҳланган”, “севимли”, “ёқимли” деган маъноларга эгаллиги қайд этилган (Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, 2-жилд, 253-бет).

Шу сўзнинг дастлабки иккита маъноси қуйидаги рубоийнинг биринчи мисрасида, айниқса, жуда ўрнига тушган:

Номангки, тириклигимдин улдур *матлуб*
Очиб ўкуғач бир неча лафзи *марғуб*,
Кўп тўлғаниб ашк ичра ўзумдин бордим,
Ул навъки, су ичига тушкай мактуб. (Ғ.с.565)

Демак, сўз маъноларини илғаш ва ҳис этиш инсон рухиятига, унинг маънавий оламнга дахлдорлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Буларнинг барчаси ҳали олдинда жуда улкан вазифаларимиз мавжудлигини, мутахассислар бу вазифаларни ҳамжиҳатлик билан амалга оширишлари лозимлигини кўрсатиб турибди.

АЙРИМ ҒАЗАЛЛАР ШАРҲИ

Ҳар қандай бадий асар таҳлили устида бўлгани каби ғазал ва рубоийлар таҳлилида ҳам шакл ва маъно мутаносиблиги, шоирона топилдиқ ва кашфиётлар, уларнинг поэтик ифодасига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Агар гап мумтоз асарлар устида борадиган бўлса, буларнинг ёнига мазкур асарларнинг луғавий таркиби, сўзларнинг маъно товланишларидаги фавкулоддалик, ўрни-ўрни билан эса уларнинг рамзийлиги ҳам эътиборда бўлиши шарт.

Академик А.Рустамов, А.Р.Қаюмов, мумтоз адабиётимизнинг йирик билимдонлари, устозлар Н.М.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, И.Ҳаққулов, Н.Жумаҳужа, Ё.Исҳоқовлар; О.Абдуллаев, Д.Юсупова, З.Мамадалиева сингари серғайрат олимлар, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Жамол Камол, Матназар Абдуҳаким сингари ижодкорлар томонидан амалга оширилган шарҳлар талаба ва ўқувчиларимизнинг бадий дидлари ортишида муҳим омил бўлиб келмоқда.

Ғазаллар таҳлилида шеърӣй вазн ҳам эътибордан четда қолмаслиги мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ғазалдаги муסיқийлик, равлонлик мана шу вазн туфайли рӯёбга чиқади.

Алишер Навоӣй фақат ўзбек адабиётида эмас, балки бутун жаҳон адабиёти тарихида ҳам алоҳида мавқега эга бўлган мутафаккир адибдир. У яратган бадий кашфиётлар ўз замонида ҳам, ҳозир ҳам бутун инсониятни ҳайратга солиб келаётгани бежиз эмас. Бунинг сиру синоати эса адибнинг ўзбекча – туркона сўзларни теран даражада ҳис этиш, кўнгил кечинмаларини эса мана шу сўзларнинг энг нозик ифода имкониятларидан тўла фойдалана билганидадир. Биз фикримизни биргина ғазал мисолида кўрсатишга ҳаракат қилайлик. У “Ҳазойин ул-маъоний”нинг биринчи девони – “Ғаройиб ус-сиғар”да 485-сирада келтирилган. У Алишер Навоӣйнинг “Мукаммал асарлар тўплами” учинчи жилдида шундай шаклда нашр этилган:

Ноумиде мен кеби борму экин жононидин,
Жонға еткан кўнглидин, кўнгли тутулган жонидин

Фард хушу сабридин, маҳжур зуҳду илмидин,
Айру шаҳру мулкидин, овора хонумонидин.

Танға меҳнат равзанин очқан ёқанинг чокидин,
Жонға рихлат навҳасин тузган кўнгул афғонидин.

Ҳам салоҳ уйин қора айлаб туганлар дудидин,
Ҳам бало юзин қизил қилган алифлар қонидин.

Мен дағи бир кун салоҳ аҳли эдим. эй порсо,
Бу укубатлар аро қолдим биров хижронидин.

Жомима ҳар давр қуй, соқий, ҳалоҳил захриким,
Таҳ-батаҳ қондур ичим тоси нигун давронидин.

Эй муғанний, туз мақоми навҳаким, чикмоқтадур
Хаста жон жисм уйи отлиғ қулбайи аҳзонидин.

Жон берур ҳар дам Навой, не ажаб гар берса жон
Қулки, айрилғай бегидин, бег неким. султонидин.

Ростлиғда сарви озоде йигитлик боғидин,
Покликда лаъли рахшоне эранлик қонидин.

– V – –	– V – – V	V – –	– V –
– V – –	– V – – V	V – –	– V –
Фоилотун	фоилотун	фоилотун	фоилун

Ғазал таҳлилида, албатта, унинг вазни, ўқилиш оҳанги ҳам айрича аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам унинг вазни, тақтеъйи ғазал матнидан кейин кўрсатиб кетилмоқда. Ғазалдаги ҳар бир сўз тўла тушунарли бўлса, унинг таҳлили ҳам енгил кўчади. Шунга кўра, ўқувчиларга нотаниш бўлган сўзларнинг луғатини аниқлаб оламиз.

Луғат

Аҳзон – ғамлар, қайғу-аламлар.

Давр – айланиш, гал, навбат.

Дуд – тутун; оҳ, оҳу нола; саросима, пушаймон; тўзон; зулм, хиралик; ғам, алам.

Зухд – дунёдан воз кечиб тоат-ибодат билан шугулланиш, такводорлик.

Илм – билим, маърифат, фан, бирор соҳага оид маълумотлар мажмуаси.

Лаъл – қизил рангли қимматбаҳо тош.

Лаъли рахшон – кўч. тоза, тиниқ май.

Махжур – айрилиб қолган, узоқлашган, маҳрум, йирок.

Муғанний – мутриб, созанда; ашулачи, хонанда.

Навҳа – йиғи-сиғи, нола, мунгли йиғи.

Ниғун – эгилган, букилган; ағдарилган, тункарилган; тескари.

Порсо – такводор, художуй.

Равзан – туйнук, дарча, тешиқ.

Рахшон – ялтироқ, порлоқ; жилваланувчи.

Риҳлат – кучиш; ўлиш.

Ростлиғ – тўғрилиқ, тиклиқ, коматдорлиқ; ҳалоллиқ, тўғрилиқ.

Салоҳ – парҳезкорлиқ, зуҳду такво; тўғрилиқ, ахлоқилиқ, одобилиқ; узини ёмон ишлардан саклаш.

Сокий – май қуювчи, косагул; илоҳий билимлар манбаи ёки уни қўрсатувчи.

Таҳ-батаҳ – қаватма-қават.

Тос – тоғора, жом; осмон, кўк.

Туган – доғ, из; яра ва жароҳатнинг асорати, доғи.

Фард – ёлғиз, якка, танҳо.

Ҳалоҳил – ўткир, таъсирчан, ҳалок этувчи, ўлдирувчи.

Шундан кейин ҳар бир байтнинг насрий баёнини тузиш имконияти пайдо бўлади. Бу ҳам ғазалларнинг бадиий-эстетик ўзига хосикларини тасаввур этиш, англаш, тушуниш ва ҳис этишда муҳим омил вазифасини адо этади. Албатта, бу шаклнинг нисбий ва шартли эканлигини ҳам назарда тутиш лозим. Шеъринг асарларни насрий шаклга келтириш ҳар доим муайян чекиниш ва йўқотишлар билангина амалга оширилади, холос. Шунинг учун бунда меъёрга риоя этиш, уларни асл матн билан биргаликдагина қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Насрий баён

Менга ўхшаган жононидан, жонига теккан кўнглидан, жонидан тўйдирган кўнглидан ноумид киши бормикан?

Ҳушу сабридан ажралиб ёлғиз қолган, зуҳду илмидан ажралиб қолган, шаҳру мулкидан айрилиб, хонумонидан овора бўлган (бормикан)?

Ёқасининг чокидан бошлаб танасига машаққатлар
дарчасини очган,

Жонига кўнгил афғонларидан улим қўшиғини айтган
(бормикан?)

Ҳам тўғрилиқ уйини жароҳат ва ғам аламлар тутини
корайтириб,

Ҳам маъшуқа юзини хол туширишдаги из – кондан қизил
қилган.

Мен ҳам олдин тўғрилар гурухига мансуб эдим, эй
такводор,

Бировнинг хижрони туфайли бундай кийинчиликлар ичида
қолдим.

Қадахимга ҳар гал ўлдирувчи заҳардан қуй, эй сокий,

Бу ағдарилган чарх айланишидан ичим қават-қават конга
тулди.

Эй хонанда, мунгли йиғи мусиқасини чалгинки, хаста жон
тана дейилган мунгли уйидан чиқаётир.

Навоий ҳар дамда жон беради, кул бегидан, беги нима
дегани, ҳатто султонидан айриладиган бўлса, унга жонини
бериши ажабланарли эмас-ку!

Тўғриликда латофатли ёр йигитлик боғидан,

Покликда тиниқ май мардлик конидан (айриладиган бўлса
ҳам жонини беради).

Булар асосий фикр-мулоҳазаларни баён этиш учун пойдевор
– мустаҳкам асос вазифасини бажаради. Шундан кейин ғазалнинг
байтма-байт таҳлилига киришиш мумкин бўлади. Таҳлилнинг
барчага қулай ва осон тушунилиши учун ғазал матнини яна бир
марта келтирамиз. Фақат бунда ҳар бир байтнинг тариб рақамини
(чап томонда) ҳамда мисраларнинг тартиб сирасини (ўнг)
томонда келтириб ўтамыз:

- | | |
|--|---|
| 1. Ноумиде мен кеби борму экин жононидин, | 1 |
| Жонға еткан кўнглидин, кўнгли тутулган жонидин | 2 |
| 2. Фард хушу сабридин, маҳжур зуҳду илмидин, | 3 |
| Айру шахру мулкидин, овора хонумонидин. | 4 |

3. Танға меҳнат равзанин очкан ёқанинг чокидин, Жонға рихлат навхасин тузган кўнгул афғонидин.	5 6
4. Ҳам салоҳ уйин кора айлаб туганлар дудидин, Ҳам бало юзин қизил қилган алифлар қонидин.	7 8
5. Мен дағи бир кун салоҳ аҳли эдим, эй порсо, Бу уқубатлар аро қолдим биров ҳижронидин.	9 10
6. Жомима ҳар давр қуй, сокий, ҳалоҳил захриким, Таҳ-батаҳ қондур ичим тоси нигун давронидин.	11 12
7. Эй муғанний, туз мақоми навҳаким, чиқмоқтадур Хаста жон жисм уйи отлиғ қулбайи аҳзонидин.	13 14
8. Жон берур ҳар дам Навоий. не ажаб гар берса жон Қулки, айрилғай бегидин, бег неким, султонидин.	15 16
9. Ростлиғда сарви озоде йиғитлик боғидин, Покликда лаъли раҳшоне эранлик қонидин.	17 18

Ушбу ғазал тузилиши ва таркиби, композицион-услубий жиҳатларига кўра ўзига хослиги билан ажаралиб туради. Одатда мумтоз адабиётдаги байтларнинг нисбий мустақиллиги устувор мавке тутади. Шунга қарамасдан, ҳар бир байтни шакллантириш ва уларни жойлаштиришда ранг-баранг имкониятлар ҳам мажуд. Мазкур ғазал эса мана шу имкониятларнинг яна бир қиррасини кўрсатиб бериши билан айрича аҳамият касб этган.

Матлаъ шоир – ошиқнинг ўзига хос кайфиятини кўрсатиш билан бошланади.

1. Ноумиде мен кеби борму экин жононидин, Жонға еткан кўнглидин, кўнгли тутулган жонидин.	1 2
--	--------

Табийки, у композицион-семантик жиҳатдан охирига етган, тугалланган мазмунга эга. Бу тугаллик байт асосини ташкил этаётган синтактик конструкциялар мазмуни учун ҳам тула дахлдордир. (Менга ўхшаган жононидан, жонига теккан кўнглидан, бездирган кўнглини жонидан тўйдирган ноумид киши бормикан?).

Байт мазмунан мустақил ва якунланган гапдан иборат дейиш мумкин. Унда бош бўлақлар (эга ва кесим), шунингдек, иккинчи даражали бўлақларнинг айримлари (тулдирувчи, хол) иштирок этмоқда. Байтда лирик қаҳрамон – ошиқнинг ўзига хос кайфияти ўз ифодасини топган. Ошиқ – ноумид. Ноумидликнинг сабаби – ўзининг “жонон”и. Мана шу ноумидлик туфайли кўнгли ҳам жонига теккан, кўнгли жонидан қолган. Ўзакдош сўзлар (иштиқоқ), сўзлар такрори (такрир), ташбеҳлар байтнинг бадиий жиҳатдан таъсирли чиқишини кафолатлаб турибди.

Эътибор берилса, кейинги байт ҳам аynи мана шу мазмунни давом эттиради. Тўғри, ғазалларнинг катта қисмида байтлараро мантикий алоқадорлик устувор мавқе касб этади. Айрим ҳолларда эса пароканда байтлар асосидаги ғазаллар ҳам юзага келиши мумкинлиги ғазалчилик амалиётидаги бор гап. Аммо ҳозир бу ҳақда гапирмоқчи эмасмиз. Бу ўриндаги эътиборга молик ҳодиса сифатида байтлараро яхлит бир грамматик конструкцияларнинг изчил давом этаётгани билан алоқадор.

Иккинчи байт қуйидаги кўринишга эга.

- | | | |
|----|---|---|
| 2. | Фард ҳушу сабридин, маҳжур зухду илмидин, | 3 |
| | Айру шаҳру мулкидин, овора хонумонидин. | 4 |

Ўз-ўзича олинадиган бўлса, бу байт мазмунини англаш душворлик қилади. Агар уни олдинги байт билан алоқадор ҳолда, унинг изчил давоми сифатида қарайдиган бўлсак, манзара тамомила ўзгаради. Оддий – насрий нутқ бўлганида ҳозирги конструкция (тузилма)да эга ва кесимнинг тушиб қолгани ҳақида гапириш мумкин бўлар эди.

Учинчи ҳамда тўртинчи байтларда ҳам шундай ҳолат мавжуд. Зеро, матлаъ уюшиқ бўлақлар иштироки билан ажаралиб туради,

- | | | |
|----|--|---|
| 3. | Танға меҳнат равзанин очқан ёқанинڭ чокидин, | 5 |
| | Жонға рихлат навҳасин тузган кўнгул афғонидин. | 6 |
| 4. | Ҳам салоҳ уйин қора айлаб туганлар дудидин, | 7 |
| | Ҳам боло юзин қизил қилган алифлар қонидин. | 8 |

Фақат бешинчи байтга етгандан кейинги манзара ўзгаради. Бу ерда фикр оқими янги ўзанлардан кета бошлайди. У ўз туйғуларининг бошқа қирраларини ошкор эта бошлайди. Ошиқ ўзини қуршаб турганларга мурожаат қилади. Табиийки, бунда гап қурилиши ҳам ўша мазмунга уйғун ҳолда янгича таркиб ва тузилишларга эга бўлади. Мурожаат объекти ҳам гапнинг турли қисмларида келади. Жумладан, бешинчи байтда биринчи мисра охирида, олтинчи байтда мисра ўртасида, еттинчи байтда эса мисра бошида келади. Энг муҳими, улар ғазал байтларидаги умумий оҳанг ва мазмунга уйғун бўлишларига қарамасдан, ўзларининг нисбий мустақиллигини ҳам тўла сақлаб қолишади.

- | | | |
|----|---|----|
| 5. | Мен дағи бир кун салоҳ аҳли эдим, эй порсо , | 9 |
| | Бу укубатлар аро қолдим биров хижронидин. | 10 |
| 6. | Жомима ҳар давр куй, соқий , ҳалоҳил заҳриким, | 11 |
| | Таҳ-батаҳ қондур ичим тоси нигун давронидин. | 12 |
| 7. | Эй муғанний , туз мақоми навҳаким, чиқмоқтадур | 13 |
| | Хаста жон жисм уйи отлиғ кулбайи аҳзонидин. | 14 |

Кейинги байт ҳам ўзига хос ва мустақил мазмунга эга.

- | | |
|---|----|
| Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон | 15 |
| Кулки, айрилғай бегидин. бег неким, султонидин. | 16 |

Аммо, охириги байт яна ғазал бошидаги композицион-семантик қурилишга интилаётганини сезиш мумкин.

- | | |
|---|----|
| Ростлиғда сарви озоде йигитлик боғидин, | 17 |
| Покликда лаъли раҳшоне эранлик конидин. | 18 |

Шунга қўра, биз ғазалдаги мана шундай мазмуний ўзига хосликдан келиб чиққан ҳолда, ундаги тиниш белгиларининг ҳам бошқачароқ тарзда иштирок этаётганини андиша қилишимиз мумкин.

Аммо, дастлаб, кейинги байтлардаги жуфт мисраларнинг матладаги кейинги мисра ўрнини бемалол боса олиши мумкин бўлган имконияти ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш жоиз қўринади. Буни тасаввур этиш учун ўша мисраларни матланинг иккинчи мисраси сифатида қўз олдимизга келтиришга ҳаракат қилиб қўрайлик:

**Ноумиде мен кеби борму экин жононидин,
Айру шахру мулкидин, овора хонумонидин.**

**Ноумиде мен кеби борму экин жононидин,
Жонга рихлат навҳасин тузган кунгул афғонидин.**

**Ноумиде мен кеби борму экин жононидин,
Ҳам бало юзин кизил қилган алифлар қонидин.**

Мазкур байтларнинг дастлабки мисралари охирида келган от сўз туркумига мансуб сўзларнинг чиқиш келишиги кўринишида келтирилиши ҳам бежиз эмас:

2) Фард ҳушу сабридин, маҳжур зухду илмидин...

3) Танга меҳнат равзанин очқан ёқанинг чокидин...

4) Ҳам салоҳ уйин қора айлаб туганлар дудидин...

Албатта, биз бу кўринишларнинг қофия ўрнини бемалол боса олади, деган мулоҳазалардан йироқмиз, аммо улардаги шаклий яқинликнинг ҳам тасодифан пайдо бўлмаётганлиги борасида тахмин қилишимизга ҳаққимиз бордек туюлади.

Ҳар ҳолда Алишер Навоий сингари ҳассос адибнинг бу шакллар воситасида кўзда тугган муддаосининг бўлмаслиги мумкин эмас. Модомики, гап уюшиқ булақлар, ўхшаш конструкциялар, бир неча эргаш гапли қўшма гаплар, мураккаб типли қўшма гапларнинг ўзига хос кўринишлари устида бораётган экан, бу хил ўзига хосликларнинг тиниш белгилари орқали ифодасига ҳам эътибор зарурга ўхшаб туюлади. Шунда дастлабки байтларни қуйидагича ифодалаш мумкин бўлар эди:

Ноумиде мен кеби борму экин жононидин,
Жонга еткан кўнглидин, кўнгли тутулган жонидин,
Фард ҳушу сабридин, маҳжур зухду илмидин,
Айру шахру мулкидин, овора хонумонидин,
Танга меҳнат равзанин очқан ёқанинг чокидин,
Жонга рихлат навҳасин тузган кўнгул афғонидин,
Ҳам салоҳ уйин қора айлаб туганлар дудидин,
Ҳам бало юзин кизил қилган алифлар қонидин.

Ана шу андозаларда охириги икки байтга ҳам янгидан бир назар ташлаб кўрайлик. Бу ерда ҳам олдинги ҳолатга ўхшаб дастлабки мисра билан кейинги учта мисранинг ўзаро мантикий

муносабатларга кириша олиш имкониятлари мажудлигини қайд этиш уринли қўринади.

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Қулки, айрилғай бегидин, бег неким, султонидин.

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Ростлиғда сарви озоде йигитлик боғидин,

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Покликда лаъли рахшоне эранлик конидин.

Иккинчи вариант: бу ерда ҳам бир неча эргаш ғапли қўшма ғаплар силсиласининг ҳосил бўлиш эҳтимоли реалликка айланади:

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб гар берса жон
Қулки, айрилғай бегидин, бег неким, султонидин,
Ростлиғда сарви озоде йигитлик боғидин,
Покликда лаъли рахшоне эранлик конидин.

Буларнинг барчаси Алишер Навоий шеърӣй иктидорининг, ижодкорлик даҳосининг нақадар чексиз ва чегарасиз эканлигини яна бир марта таъкидлаб қўрсатади. Демак, навоӣйшунослигимиз олдида буюк мутафаккирнинг поэтик мероси қатларига яширинган сирли ва жозибадор маъноларни, поэтик шакллар замиридаги олийжаноб мазмунӣй ранг-барангликларнинг янги ва янги турларини инкишоф этиш вазифаси долзарб бўлиб тураверади.

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топкамен андинки, мендин истагаӣ баҳра,
Чу улким, баҳрае андин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай ҳуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нушханд этмас.

Керакмас ой ила кун шакликим, хусну малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,
Бузуғ кунглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул ўз чархи золидин фарибин емаским, охир
Ажал сариштасидин ўзга бўйнунга каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

V — — — V — — — V — — — V — — —
Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Ҳазал таҳлили унинг матни билан жиддий танишишдан бошлангани маъкул. Бу ҳазал анча осойишта, босиқ оҳангни талаб этади. Айни пайтда унда айрим сўзлар борки, уларнинг маъносини тушуниш замондошларимиз, айниқса, талаба ва ўқувчилар учун қийинлик қилади. Шунинг учун ҳам бу сўзларни лугат воситасида очиқлаш ўринлидир.

Биринчи байтни ўқиймиз:

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Байтнинг умумий маъноси тахминан тасаввур этилса-да, «аржуманд» сўзининг маъносини англашда бироз қийинчилик бўлади. Шунинг учун ҳам бу сўз алоҳида изоҳланиши керак. Изоҳлашда ўқитувчининг ўзи бу сўзни айтиб, лугавий маъносини тушунтириши, уни доскага ёзиши, компьютер мосламаси ёрдамида экранда кўрсатиши ҳам мумкин. Бундан ҳам муносиби эса ўқувчиларнинг ўзларига лугат китобларидан фойдаланган ҳолда бу сўз маъносини аниқлашни топширишдир. Масалан, бу борадаги нисбатан янгироқ лугатлардан бири Бердак Юсуфнинг «Mumtoz adabiy asarlar lug'ati»ни (2010 йил) тавсия этиш мумкин. Унда юқоридаги сўз «азиз, ардоқли, иззатли, қадр-қимматли» деб кўрсатиб қўйилган (30-бет).

Кейинги байтдаги сўзлар укувчилар учун унчалик кийинлик қилмайди.

Не баҳра топкамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, бахрае андин тилармен, бахраманд этмас.

Факат бу ерда айрим сўзларнинг бугунги адабий тилимиздан фарк қиладиган даражадаги талаффузига эътибор қаратиш ўринлидир. Шунингдек, байтнинг гап қурилишидаги ўзига хосликнинг ҳам эътибордан четда қолмагани маъқул бўлади.

Агар эътибор берилса, биринчи ва иккинчи байтларнинг орасида анча катта яқинлик борлигини сезиш қийин эмас. Ҳар икки байтда ҳам инсон руҳиятидаги бир ҳолат: унинг ҳассос кўнгли талпинаётган томондан муносиб жавобнинг йўқлиги ҳамда унга интилаётганлардан кўнгилнинг қаноат топмаслиги билан боғлиқ безовталиқ тилга олинаётир. Бутун воқелик, жараён «мен» ва «у» оралиғида кечмоқда. Биринчи байтда менинг иштиёким, орзу қилган одамим менинг бу истак ва уйларимни билмайди (ёки билган тақдирда ҳам назар-писанд қилмайди), айти пайтда менга интилаётган одамдан мен ҳам қаноат топмайман деган ҳукм англанади. Кейинги байтда ҳам шу фикрга яқинлик сезилади.

Гап шу ердаки, Навоий юкоридаги ҳукмнинг сезиларсиз бўлиб қолмаслиги, уни алоҳида таъкидланиши учун шу йўлни танлайди. Бу ердаги фикрий такрорларнинг янгича, оҳори тўкилмаган шаклларда ифодаланаётгани кишига ҳузур бағишлайди. “Истамок” ҳамда “бахраманд бўлмоқ” феъллари бир қарашда бошқа-бошқа маъно уяларига мансубдек туюлади. Ааммо улар ушбу матнда умумий маъно қамровига кўра, бир мавзу ва маъно доирасида кесишади. “Истамок” ҳаракатнинг бошланғич нуктасини англатади. “Бахраманд бўл (эт)моқ” эса ушбу жараённинг натижасига дахлдор. Демак, шоир бу ерда ҳаракат маъносидаги сўзларнинг ифода имкониятига доир даражалар хилма-хиллигидан жуда ўринли фойдаланмоқда.

Нетай хуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға
Аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Ушбу мисралар Навоий қаламининг кучини курсатиб бериши билан ажралиб туради. Бу ерда бутун байтга хос бўлган санок оҳанги (таъдид: *хуру пари; қатлим ё ҳаётимга; аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас*), ҳаётдаги бир-бирини инкор қиладиган ҳодисалар саногии (тазод: *қатлим – ҳаётим; ул – бу; заҳрчашм – нўшханд*), айни сўзни такрорлашдан қочиш мақсадида ишлатилган олмошлар (таксим: *ул – бу; хуру пари; Аён ул заҳрчашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас*), маънони кучайтириб бериш учун қўлланган онгли сўз такрори (радифлар мисолида) ўқувчиларнинг ифодали ўқишидан ҳам англанишига эришиш керак. Албатта, бу ерда ҳам луғатсиз иш битмайди. Мисралардаги «заҳрчашм» ва «нўшханд» сўzlари тушунарли эмас. Луғатларда улар шундай изоҳланади:

*чашм – кўз, заҳрчашм – ёмон кўз билан боқиш,
нўшханд – ширин, чиройли қулги, табассум.*

Шу тарздаги таҳлил давомида мисраларда учрайдиган тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг маънолари очиб борилиши керак. Бунинг шакл ва усуллари ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкин. Юқоридагидек, ифодали ўқишда, матн устида ишланганида, матнини ўқишдан олдин, матн сўнгида луғатларни илова қилиш жоиз бўлади. Айни пайтда уни бутун матн билан бирга, матндаги тегишли сўзга изоҳ бериш тарзида ҳам келтириш мумкин:

Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд¹ этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топкамен андинки, мендин истагай баҳра,
Чу улким, баҳраи андин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай хуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимга
Аён ул заҳр чашм² айлаб, ниҳон бу нўшханд³ этмас.

Керакмас ой ила кун шактиким, ҳусни малоҳатдин
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Аржуманд – азиз, иззатли, қадрли.
чашм – кўз, заҳрчашм – ёмон кўз билан боқил.
нўшханд – ширин, чиройли қулги, табассум.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнун шиоримким.
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд¹ этмас.

Кўнгул ўз чархи золидин, фирибин емаским, охир
Ажал сариштасидин ўзга бўйнунга каманд этмас.

Ул ой ўтлуғ юзин очса, Навоий, тегмасин деб кўз,
Мухаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд² этмас.

Ғазал таҳлилида унинг бадииятига: сўзларнинг иштироки, танланиши, уларнинг фонетик, морфологик, лексик-семантик, синтактик, услубий имкониятлари; тасвир воситалари, айрим сўз ва ибораларнинг аънава ва кашфиёт тизимидаги ўрни ва аҳамияти в.б.га алоҳида эътибор қаратиш – ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидларини оширишнинг энг қулай усулидир. Буни айрим мисолларда кўриб чиқайлик:

Окара бошлади бошу тўкула бошлади тиш,
Сафар яроғини килғилки, тушти бошинга иш.

Йигитлигим борибон, келди бошима қарилиғ,
Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш.

Юз улки, қирқдин элликка қўйди юз, қилса
Минг ишидин бирига яхшилиқ маҳол эрмиш.

Эрур ҳаётнинг ўқ янглиғ ўтмакига далил,
Кишики, ё кеби қадга асодин етти кериш³.

Адудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,
Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш.

Йигитлик ўлди баҳору қухулат⁴ ўлди хазон,
Дегай бу сўзни – қарилиғни кишқа ўхшатмиш.

саманд – саман от, тезювар ва чиройли от.

сипанд – исриқ, исриқ уруғи.

Кериш – ей илпи.

Қухулат – ўрта ёшлик.

Не қиш нишоти манга қолди, не хазон, не баҳор,
Баҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима – қиш.

Не турфа ишки, бирав чун торикти умридин,
Деса узун яша, қарғишдур анга бу алқиш.

Навоиё, тутар аҳли фано нажот йўлин,
Эришмак истар эсанг ишда, ҳам аларни эриш.

Ушбу ғазал Навоийнинг ўзига хос бадииятга эга бўлган асарларидан биридир. Унда ниҳоятда ғўзал сўз ўйинлари фавқулодда топқирлик билан қўлланган. У инсон умрининг мазмунига эътибор қаратади. Гап содир бўлган воқеани қайд этишдан бошланган:

Оқара бошлади бошу тўқула бошлади тиш,
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш.

Демак, гап кишинг нисбатан каттарок ёши – қариган даври устида бормоқда. Бунинг ташки белгилари мавжуд. Улар: оқаришни бошлаган сочлар (у «бош» сўзи билан ифдаланмоқда) ҳамда тўкилишни бошлаган тишлардир. Халқимизда бошга бир иш тушса унга ҳар доим тайёр туриш кераклигига ундайдиган ибора ва ифодалар кўп («Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар, от бошига иш тушса, сувлиқ билан сув ичар» мақолини эсланг). «Сафар» сўзи ҳам бу ерда ўзининг луғавий маъносидан кўра кенгрок қамровга эга. У умр йўлининг кейинги манзили, тирикликнинг поёни – у дунё. ўлим тарзида тасаввур этилиши мумкин. Байтдаги оҳангдорлик учун шеъринг ритм, *тиш.тиш* қофиялари асос бўлмоқда. Айни пайтда «о», «и» унлиларининг, «б», «ш» ундошларининг такрори ҳам уларнинг кучига куч қўшиб турибди.

Ғазалнинг ҳар битта байтида алоҳида-алоҳида тасвир воситалари қўланиши мумкин. Юқоридаги байтда таъдид, истиора, аллитерация, ассонанс қўлланган бўлса, кейинги байтда яна бошқачарок манзара кўзга ташланади:

Йигитлигим борибон, келди бошима қарилиг,
Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш.

Бу ерда тазод асосий уринга куйилган. Укувчиларнинг эътиборини худди мана шундай ўзига хосликларга қаратиш, имкони борича уларнинг ўзларини ижодий жараёнга жалб этиш, яъни мана шу тасвир имконларини топишларига ундаш керак. Масалан, мазкур байт мисолида: «сўзларнинг қўлланишига эътибор беринг. Уларнинг ҳар бири англатаётган маъно устида ўйлаб кўринг. Қайси сўзлар ўзаро зидлашмоқда?» тарзида мурожаат қилиш мумкин. Укувчилар «йигитлигим» – «қарилиг», «борибон» – «келди» «боришу келиш»ни ажратади. Байтдаги бадийятни тўла англаш учун ундаги истиорани, жонлантиришни, фразеологик иборани ҳам укувчиларнинг ўзларига топтириш ва маъноларини изохлаш уринли кўринади.

Бу ўринда «фано йули» исторасига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Укувчи ва талабаларнинг диққатига бу йўлнинг тасаввуфдаги талқинига кўра инсон камолоти билан боғлиқлигини, бу ерда ҳаётнинг абадий қонуниятларидан бири – ҳаёт ва ўлим фалсафасининг ўзига хос тарздаги эътирофи ва ифодаси мавжудлигини тушунтириш уринли бўлади.

(“Фано” тасаввуф фалсафасидаги алоҳида ва жиддий тушунчалардан биридир. Уни тўларок англашда укувчи ва талабаларга қўшимча адабиётларни тавсия этиш ўзини оқлайдиган йўللардан биридир. Биз бу ўринда Н.Комилов, И.Ҳаққулов, М.Имомназаров, Э.Очилов, З.Мамадалиева, Д.Юсупова ва бошқаларнинг китоб ва мақолаларни тавсия этишимиз мумкин).

Энди кейинги байтга ўтилади:

Юз улки, кирқдин элликка кўйди юз, килса
Минг ишидин бирига яхшилик маҳол эрмиш.

Укувчи ва талабалар эътибори байтда қўлланаётган сонлар ифодасига қаратилиши табиий: улар қандай вазифа бажармоқда? Шоир нима учун айнан мана шу сонларга урғу бермоқда? Уларнинг ўз жавобларида кўйидаги нуқталарга эътибор беришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Қирқ ёшни тугаллаб элликка қадам кўяётган киши ҳаётнинг турли қийинчиликларига, машаққатларига рўпара келади. Аммо ҳаёт синов майдони экан унда яхшиликка яхшилик ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди. Мингта қилган ишдан биттасига яхшилик

кайтиши мумкин, аммо у ҳам «маҳол». Бу ерда сўзнинг турфа маънолари сонларнинг қулланиши билан боғлиқ ҳолда юзага келмоқда. Байтда бирдан минггача (бир, қирк, эллик, юз, минг) бўлган сонлар иштирок этган. Бундай санъатнинг номи мумтоз поэтикада “таъдид” деб номланган. Унинг “теъдод”, “саёқат ул-адод” сингари номланишлари ҳам учрайди.

Бунинг устига «юз» сўзи ҳам омоним, ҳам кўпмаъноли сўз, ҳам фразеологик ибора маъноларида келмоқда. «юз урмоқ» - етишмоқ, рўпара келмоқ, дуч келмоқ сингари маъноларни ҳам билдиради. Айни пайтда унинг «юз қилса ҳам», «юз марта қилса ҳам» каби маънолари ҳам иштирок этаётир.

Инсон умрининг ўкка қиёсланиши анъанага асосланади. Аммо шоирни бу нарсa қаноатлантирмайди. У анъанага янгича бир асос билан янгилик киригади. Модомики, инсоннинг ҳаёти давомидаги машаққатлар унинг қаддини ёй каби эгиб қўяр экан, ёйнинг икки учини ўзарo бирлаштириб, бириктириб турадиган ип – кериш ҳам керак бўлади. Бу вазифани эса инсоннинг қўлида тутган қўшимча воситаси – ҳасса, таёқ адо этади.

Эрур ҳаётнинг ўк янглиғ ўтмакига далил,
Кишики, ё кеби қадға асодин етти кериш.

Бу байтда ҳам шаклан сонга ўхшаб кетадиган битта сўз («етти») бор. Аммо матндан англашилиб турганидек, у сонни эмас балки ҳаракат («етмоқ», «етишмоқ»)ни билдиради. Шундай қилиб ҳаётнинг ўк сингари тез ўтиб кетишига шоирона асос, далил шуки, кишининг қаддига ҳам худди ёйга кериш етишганидек, қўлига «асо» етишди, яъники, қариди.

Куйидаги байтда яна сонлар «ракси» намоён бўлади.

Адудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,
Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш.

Байтнинг мазмуни шуки, бу еттита фалак мен учун олтита нуқтаи назардан ғанимлик қилади, шунинг учун ҳам ёшим олтмиш ёки етмишга етишганидан ҳам ҳеч қандай наф йўқ. Оддийгина ҳаётий ҳақиқатнинг бадий ифодаси эса ниҳоятда нозик ва нодир. Шеърятда сон, рақамлардан фойдаланиб туриб тегишли бадий образларни яратиш мумтоз адабиётимизда сасқат ул-аъдод деган санъат вазифаси сифатида белгиланганини

юқорида айтиб ўтдик. Қуйидаги байтда ҳам шу санъат мавжуд. Фақат у ошқора тарзда сезилмайди. Агар эътибор берилса, бу ерда ҳам санок оҳанги мавжуд. Фақат бу санок сонлар билан ифодаланган эмас, у мисралар орасидаги мантиқийлик, ички бир тартиб билан акс эттирилган. Байтга ўқиймиз:

Йигитлик ўлди баҳору кўхулат¹ ўлди хазон.
Дегай бу сўзни – қарилиғни қишқа ўхшатмиш.

Бу ерда мантиқий тартиб назарда тутилган. Уларни тахминан шундай ифодалаш мумкин: биринчидан. йигитлик – баҳорга, иккинчидан, ўрта ёшлик кузга ўхшайди, шундай экан, учинчидан, қарилиқни қишга ўхшатса бўлади. Кейинги байтда эса баҳор, куз, қиш мавзуси давом эттирилади.

Не қиш нишоти манга қолди, не хазон, не баҳор,
Баҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима – қиш.

Бу ерда ҳам умр ғасафаси давом эттирилади. Демак, инсоннинг умри қирқ ва элликдан ўтганидан кейин унинг учун ҳаётдаги қувончли кунлар камаяди. Бу эҳтимол, инсоннинг ўз умрининг асосий қисми ўтиб кетгани, қолган муддатнинг эса кўнгилда тугиб қўйган режаларнинг амалга ошиши учун озлигини янада чуқурроқ ҳис этиши билан боғлиқдир. Бу ерда дастлаб йил фасллариининг саногии воситасида ҳаётини машаққатларнинг ортиб бораётгани, аксинча, у келтирадиган севинчларнинг озайишига урғу берилади. Кейинги мисрада ҳам бу санок давом этади. Эътибор берилса, унда айрим сўзларнинг такрори кузатилади. Булар *баҳорима*, *хазон*, *хазонима*, *қиш* сўзларидир. Ҳатто хазон сўзи кейинги мисранинг ўзида икки марта қўлланмоқда. Аммо уларнинг қўлланиш тартибида ҳам ўзгачалик кузга ташланади. Агар биринчи мисрада «қиш», «хазон», «баҳор» тартиби қўлланган бўлса, кейинги мисрада «баҳорима», «хазон», «хазонима», «қиш» тартиби амал қилади.

Шеърда тарди акс санъати билан бирга ўзакдош сўзлардан фойдаланиш (иштиқок), сўзлар такрори (такрир), зид маъноли сўзларни (тазод) қўллаш ҳам етакчи мавке тутади.

кўхулат – ўрта ёшлик

Янгилик, поэтик кашфиёт оддий ҳаётӣй воқеа ва манзараларда бошқалар кўрмаганини кўриш, кундалик анъанавӣй ҳолатлардан ҳам бошқалар тасаввурига келмаган нуқта ва жихатларни топиш ва кўрсата билишда намоён бўлади. Уларнинг узоклиги бир қарашда ҳар доим ижобӣй ҳодисалар саноғига киравериши мумкин ва жоиздек туюлаверади. Навоӣй даҳоси эса унинг “қарғиш” даражасига кўтарилиши мумкинлигини ҳам назардан кочирмайди. Унинг назарида ҳаётда яшаб, қариликда мунтазам машаққатларни кўравериш кишига азоб ва кулфатлар келтиради. Ана шу тоифа одамларни (*биррав чун торикти умридин*) «узок умр кўргин» деб олқишлаш, дуо бериш қарғиш билан баробардир.

Не турфа ишки, биррав чун торикти умридин,
Деса узун яша, қарғишдур анга бу алқиш.

Мумтоз адабиётимизда саҳли мумтане деган бир санъат бор. Унинг моҳияти шундан иборатки, шоир ҳаёт воқеаларини шундай тасвирлайдики, бир қарашда ҳар қандай одам ҳам шу ифодани топиши мумкиндек тасаввур уйғонади. Аммо бу ташқи кўринишдангина шундай. Бундай ифодани топиш учун ниҳоятда юксак поэтик маҳорат керак. Санъатнинг «осону мумкин эмас» деган луғавӣй маъноси ҳам шу фикрни тасдиқлаб туради.

Шундай мулоҳазалардан кейин ғазалнинг тушкун бир кайфият билан якунланишини кутиш мумкин. Навоӣй эса уни куйидаги мисралар билан тугатади:

Навоӣё, тутар аҳли фано нажот йўлин,
Эришмак истар эсанг ишда, ҳам аларни эриш.

Бу ерда «аҳли фано» ва «нажот йўли» ифодалярининг луғавӣй ва истилоҳӣй маънолярини тасаввур қилмасдан туриб байт маъносини тула ва тўғри гушуниш имкони йўқ. Шунинг учун ҳам яна юқоридаги усулга, қўшимча адабиётлардан фойдаланишни тавсия этишга мурожаат этиш мумкин бўлади.

Ҳаётдаги қийинчилик ва машаққатлардан шикоят қилиш, норози бўлиш оддий одамларнинг кундалик ишляридир. Аммо «аҳли фано» бу йўлдан юрмайди. Уларнинг маслаги – қаноат.

Қаноат ва шукр уларни ҳар хил балою офатлардан сақлайдиган нажот йўлидир. Шунинг учун ҳам «фано аҳли»га эргашиш нажот йўлига эришишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Ўқувчиларга ғазал ва рубойларни, китъа ва фардларни – умуман, мумтоз асарларни тавсия қилишда айрим асарларнинг яратилиш тарихини эсга олиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғазал поэтикасига алоқадор бўлган жиҳатлар биринчи гада таҳлилга тортилиши шарт. Айни пайтда бу ғазалнинг яратилиши билан боғлиқ бўлган айрим тарихий лавҳалар, ҳоғиралар ҳам эсга олинса ёмон бўлмайди. Қўшимча маълумотлар ўқувчиларнинг ғазалнинг ўзига ҳам, унинг муаллифига ҳам бўлган қизиқишларини янада орттиради.

Ғазални таҳлил қилишда унинг тузилишига, вазнига, тасвир воситаларига алоҳида эътибор бериш жоиз. Шу билан биргаликда, мумтоз ғазаллар устида гап борадиган бўлса, уларнинг насрий баёнларидан ҳам фойдаланиш заруратини таъкидлаш керак.

Ғазалларнинг насрий баёнини тузиш ва шу орқали уларни ўрганишга оид асосий ҳулосаларни шундай шакллантириш мумкин:

1. Ғазалларга насрий баён тузиш ниҳоятда долзарб ва муҳим ишдир. Имкони борича ҳар битта ғазал насрий баён билан таъминланиши, агар бунинг имкони бўлмаса, ўқитувчининг ўзи уни амалга ошириши мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Ғазалларнинг насрий баёнини тузишга ўқувчиларнинг ўзлари сафарбар этилиши шарт. Албатта, бунинг учун анчагина давомли ва жиддий бўлган тайёргарлик босқичи бўлиши зарур.

3. Ўқувчилар учун ғазалларнинг насрий баёни билан танишиш умумий ўрта таълим мактабаларидан бошланиши, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидаги адабиёт дарсларида, синфдан ташқари машғулотларда, айниқса, тўғарақ ишларида мунтазам равишда олиб борилиши ўринли бўлади.

4. Олий таълим тизимида, хусусан, филологик йўналишдаги бакалаврият босқичида, албатта, «ғазалларни ўрганамиз» рукни остида махсус курс ва махсус семинарларни ташкил этиш жоиз. Бу бўлажак тил ва адабиёт ўқитувчиларини ғазалларнинг насрий баёнини тузишга оид қўникма ва малакалар билан қуроллантиришда жуда муҳим омил бўлади. Нофилологик

йўналишлардаги талабалар эса Навоий асарларида, хусусан, ғазаларида мужассамлашган бадииятнинг асл ҳолатини, уларнинг намоён бўлишидаги ранг-барангликлар, она тили имконияти, кучу қудрати, жозоба ва латофатини бевосита кўриб, кузатиб, улардан завқланиш, ҳузурланиш сингари бадиий-эстетик имкониятларини кўпайтириб, бойитиб боришади.

5. Ғазалнинг насрий баёни ғазалнинг ўрнини босадиган педагогик ашё эмас. Бунга ҳеч қачон йўл қўйиб бўлмайди. Ғазалнинг насрий баёни ғазалнинг асл матни билан ёнма-ён берилганидагина самарали бўлади, холос. Аксинча ҳолатларда насрий баён фойданинг ўрнига зарар келтиради. У ғазалдаги сеҳр-синоатни, гузал муסיкийлик ва такрорланмас ритмни, вазн ва қофиялар туфайли юзага келаётган оҳангдорликни сезмасликка, сузларнинг поэтик жарангдорлиги ва тароватини хис этмасликка, демакки, ўқувчиларнинг бадиий-эстетик дидларининг заифлашувига олиб келиши мумкин.

Ғазаллар таҳлилида қиёслаш усулидан фойдаланиш ҳам ўқувчи ва талабаларнинг мустақил, ижодий фикрлаш имконларини кенгайтиради. Ҳар бир поэтик асарнинг шарҳ ва изоҳларини ниҳотда ранг-баранг ва хилма-хил шаклларда амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради.

САРЛАВҲА ВА МАТН МУТАНОСИБЛИГИ

Алишер Навоий сарлавҳа қўйишда ҳам пири комилдир. Мутахассисларимиз бу борада ҳам қўплаб илмий тадқиқот ишларини амалга оширишган. Уларнинг орасида, албатта, йирик навоийшунос олим, академик Азиз Каюмов¹, ҳассос тилшунос Н.Маҳмудов² сингари забардаст олимларимизнинг номи турибди. Буюк мутафаккир қўлаган сўзларнинг, хусусан, сарлавҳаларнинг бирортаси ҳам беҳуда эмас. Уларнинг барчасида муайян ғоявий, ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик мақсад ва муддаолар мавжуд. Фақат уларни илғаш учун китобхондан қўп нарсга талаб этилади. Улуғ ҳазрат поэтикасини англаш учун ўзига хос тайёргарлик мактабини ўташ керак бўлади. «Ғаройиб ус-сиғар» китъаларининг муқаддималари” деган сарлавҳа ҳам шу силсилада. Гап фақат биринчи девон устида, биринчи девондаги китъа жанрига оид бўлган асарлар устида бормоқда. Шунинг учун ҳам муаллиф уларга “кириш сўзи”ни айтмоқчи. У шундай шакллантирилган: «Ғаройиб ус-сиғар» муқаттаотининг сарсуханлари”. Мазкур кириш сўзи битта эмас, шунга кўра, қўлланган сўз ҳам бирлик шаклдаги “сарсухан” (кириш, муқаддима) эмас, балки қўплик маъносини алоҳида таъкидлаб турувчи “сарсуханлар” (кириш сўзлари, муқаддималар)дир. Ўқувчиларимиз “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг ғазаллар қисмига оид тузилиш тамойилларини яхши билишади. Улар ҳамд. наът мазмунига йўғрилган ғазаллар билан бошланган. Қитъалар жойлашувида ҳам айни мана шу тамойиллар тўла сакланган. Улардаги “сарсуханлар” мана шу тамойиллар ҳақида ихчам, мўъжаз ахборот бермоқда. Дастлабки китъа шундай номланган: “Тенгри зоти ҳақиқатидаким, хирад мабхуту (хайратланарли) нодондур ва аҳли хирад фарғуту (жуда қариб ишга яроқсиз аҳволга келиб қолган ва) хайрон”.

(Мазмуни: Худонинг зоти ҳақиқати борасидаки, [буни англашга интилган] ақл хайрату нодонликдадир ва

Каюмов А. Ҳамса сарлавҳалари. – // Асарлар. 3-жид. – Т.: Мумтоз сўз, 2009. 4-195-бетлар. “Садди Искандарий” дostonининг сарлавҳалари. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Тошкент, Фан. 2001, 84-103-бетлар.

Маҳмудов Н. Сарлавҳалар лингвопоэтикаси (Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги боблар мисолида). – // “Alisher Navoiy hayoti va ijodi – namuna maktabi” mavzusidagi resbutika ilmiy anjuman materiallari. II kitob. – Toshkent – 2016. 137-140-betlar.

донишмандлар эса иложсиз ва ҳайрондир). Алишер Навоий сарлавҳанинг сезилмасдан қолишига йўл қўймайди. Шунинг учун ҳам унга алоҳида эътибор беради. Бошқаларнинг ҳам эътиборсиз қолмаслиги учун унга махсус сўзларни саралайди, қофиядош ва маънодош сўзларни танлайди, Айни сўз ва унга таянган ҳолда ясалган сўз бирикмаси туфайли янги маъно ва тушунчаларнинг ёнма-ён “яшашига” имкон ҳозирлайди, уларнинг ритмик-синтактик таркибига ҳам диққат қилади. Натижада Тангри зотининг ҳақиқатини англашда Хирад ва хирад аҳлининг “имкониятлари” қиёсий таҳлилга ундаш маъноси билан кўрсатиб берилади. Инсондаги бу ҳаракатнинг натижаси шундай:

Хирад – мабхуту нодон;

Хирад аҳли – фартуту ҳайрон.

Гап бўлақларининг синтактик позицияси ҳар икки ҳолатда ҳам параллеликни ташкил этган. Бундай ҳолат инсон тафаккуридаги қиёслаш рағбаги ва имконига очиқ туртки бериб туради. Бунинг устига айни ритмик вазиятда турган сўзларнинг оҳангдош – қофиядош бўлиши уларнинг таъсир доирасини кенгайтиради ҳамда кучини орттиради. Натижада Хирад (Ақл)нинг бу сиру синоатлар олдидаги ожиз ва нотаъонлиги, Хирад аҳли (Ақл эгалари)нинг эса пароканда ва ҳайронлиги китобхон диққат марказига йўналтирилади.

Қитъанинг ўзи билан танишилганидан кейин мазкур сарлавҳанинг асл муддаоси янада равшанлик касб этади.

Ҳақ зотиға биравки, хирад бирла фикр этар,
Отин эл ичра оқилу фарзона айлабон.

Микдорини тенгиз суйининг истар англамоқ,
Лекин ҳубоб жомини паймона айлабон.

Албатта, қитъадаги барча сўз ва истилоҳларнинг луғавий ҳамда истилоҳий маънолари ҳаммага ҳам тушунарли эмас, уларни ойдинлаштириш зарур. Мазкур сўзларнинг айримларини эсга оламиз:

Ҳақ – тангри, яратувчи.

Тангри зоти – тангрининг асли, насл-насаби, моҳияти.

Хирад – ақл, тафаккур.

Фарзона – донишманд, яғона, тенгсиз.

Тенгиз – денгиз.

Хубоб – кўпик, сув юзида пайдо бўладган пуфакчалар.

Паймона – қадах, май пиёласи.

Ҳақ – яратувчининг асли ҳақида фикр этувчилар мушоҳада юритувчилар кўп. Улар ўзларини бошқалар олдида (“эл ичра”) оқил ва тенгсиз, ягона деб биладилар. Бу ердаги таъкид ва истехзо оҳангларининг сарлавҳадаги маънога уйғунлиги кўриниб турибди. Аммо хали ҳукм охиригача айтилгани йўқ. Бу ерда мушоҳада эгаларнинг ўзларини тутишлари ҳақидагина гап бормоқда, холос. Булар биринчи байтдаги энг муҳим, таянч мулоҳазалар бўлиб, асосий фикрни, ҳукмни эшитиш учун тайёргарлик босқичини ташкил этади. Кейинги байт эса айни ниҳояни, ҳукмни мужассамлаштирган.

Адиб сарлавҳадаги усулга яна қайтади. Китобхон (тингловчи) учун яна қиёс ва солиштириш имконини рўпара қилади: энди ўша “оқилу фарзона”нинг кўлга киритган “ютуклари” тилга олинади. Маълум бўлишича, бу “донишманд”нинг хатти-ҳаракатлари денгиз сувининг миқдори – ҳажмини билишга интилан киши ҳаракатига ўхшар экан. Денгиз сувини ўлчашнинг ўзи ақлга тўғри келадиган иш эмас. Бунинг устига уни якка одам (“биров”)нинг амалга ошириши мумкин бўлмаган ишдир. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Навоий янги ва янги сўз ва тушунчаларни мазкур мавзунинг очиб беришига, ёритишига томон йўналтиради. Энди мана шу ҳаракат эгасининг ўз муддаосини амалга оширишдаги воситаларга эътиборимизни тортади. Албатта, денгиз сувини ўлчаш учун муайян асбоб лозим бўлади. Қитъа қаҳрамонидаги мана шу асбоб-анжом жом (қадах)дир. Аммо у хубоб жомидир (сув пуфакчаларидан “ясалган” қадах). Мана шу образ қаҳрамонимиз хағти-ҳаракатларининг реал “натижа”ларини жуда аниқ тарзда тасаввур этишга имкон яратади. “Хубоб жоми”нинг шакли, ҳажми, “сиғим даражаси” ҳам маълум.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳақ ва ҳақиқат асрорига етиш инсоннинг доимий орзуси. У шунга интилиши мумкин ва керак. Аммо унинг аслини, моҳиятини том маъноларда англаши, тушуниши номумкиндир. Бу йўлдаги ҳаракатларнинг барчаси натижа маъносида ниҳоятда кичик зарраларнигина ташкил этади, холос. Яна бир нуктани ҳам ёдда

тутиш лозим. Буларнинг барчаси “Окилу фарзоналар”нинг бир умрлик фаолияти натижасидир. Оддий одамларнинг, яъни “Окилу фарзона” бўлмаганлар”нинг бу йўлдаги самаралари нечоғли бўлади?!

Демак, адиб сарлавҳада кўзда тутилган мантикий мазмунни ҳам, услубий ўзига хосликни ҳам, ҳатто ифода услубидаги киноя ва истехзони ҳам тўрт мисрадан иборат бўлган оддийгина китъа матнининг мағиз-моҳиятига сингдириб юборган.

Бунинг натижасида эса ўзи билдирмокчи бўлган поэтик фикрнинг такрорланмас жаранг ва кучли таъсири хосил бўлган. Худди мана шунинг учун у ўз оҳори ва фусункорлигини тўла саклаб, бугунги китобхонни ҳам ўзига маҳлиё қилиб турибди.

СУЗ ҲАҚИДАГИ ХИКМАТЛАРДАН

Ғаройиб ус-сигар”дан:

Гадойи факр ила сўз айта олмас подшо густох¹,
Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.

Демаким, бир яхши сўз бирла Навоий жонини
Олсам, ул бўлғайму рози, яхши сўзга не кенгаш?!

Ҳар не ўткан сўзларим чиндур десам ёлғон эрур,
Чин будурким, дегамен умр ўтти ёлғонлиғ да ҳайф.

Бир улким, чу сўздиндур инсон шариф²,
Чу ҳайвонға сўз йўқтур улдур – касиф³.

Кўнгул дуржи⁴ ичра гуҳар сўздурур,
Башар⁵ гулшанида самар⁶ сўздурур.

Эрур сўз фалак жисмининг жони ҳам,
Бу зулумотнинг⁷ оби ҳайвони ҳам.

Агар жон эмас, бас недурким, Масих
Ўлук тиргузур, деб каломи фасих⁸?

Жавоҳир неча хўбу дилкашдурур,
Вале назм силки¹ аро хушдурур.

Густох – бетакаллуф, сур, алабсиз; ибосиз, андишасиз; эрка, эркин.

Шариф – шарафли, азиз, қадри.

Касиф – қасофат, ифлос, нопок.

Дурж – салаф; қимматбаҳо тошлар сақланадиган қутича.

Башар – киши, одам; инсоният.

Самар – мева, ҳосил;

Зулумот – қоронғиликлар, зулматлар.

Фасих – чиройли, аниқ ва тўғри сўзловчи; сўз устаси.

Суз ичраки, ёлғон эрур нописанд²,
Чу назм эттилар, қилди доно писанд.

**Сузга кулоқ солмоқу оғиз очмамоқ,
гавҳарни териб, ўз гавҳарин сочмамоқ**

Кулоқда асра гаронмоя³ сўзнию фикр эт,
Ки дурсиз улса, не бўлғусидур садаф холи.

Сўзунгни дағи кўнгул ичра асрағилким, ҳайф,
Ким уйла дуржни гуҳардин эткасен холий.

Бу дуржу икки садафни тула дур этканга,
Зиҳи⁴ улувви⁵ гуҳар, балки гавҳари олий.

**Оз сўз демакнинг манфаатидаву кўп
сўзнинг мазарратида**

Навоий, тилинг асрағил зинҳор,
Десангким, емай даҳр ишидин фусус⁶.

Назар қилки, ўқ оғзи тилсиз учун,
Килур тожварлар⁷ била дастбўс⁸.

Неча тожвардур кесарлар бошин,
Чу ҳангомсиз⁹ нағма тортар хурус.

**Атфолни қарилар хизматиға йўлдамоқу
чучук сўз била алдамоқ**

Силк – ил. тизим: тизма, қатор, саф.

Нописанд – номаъқул, ёқимсиз: назарга илинмайдиган.

Гаронмоя – қимматбаҳо, қимматли, асл.

Зиҳи – гўзал, ёқимли, қўнғилга матлуб: яхши.

Улув(в) – баланд: баландлик, юқори, олий.

Фусус – афсус, нодомат, пушаймон.

Тожвар – тождор, тож қийган, подшоҳ.

Дастбўс – қўл упиш, мулоқот.

Ҳангомсиз – бевақт, ноурин.

Карилар хотири нозукдур, эй тифл¹,
Шикастидин² килиб ваҳм, ўлма густох:

Унуттунгмуки, атфол³ уйнаганда,
Синар оз майл кўргандин курук шох.

Куз бирла қошинг яхши, кабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг⁴ бирла менгинг⁵ яхши, сақоғинг⁶ яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин аёғинг яхши.

Тил сўз била то қизитти хангомамни,
Бир ҳам тия олмадим бу худкомамни⁷.
Гар неча итикрак⁸ айладим хомамни⁹,
Ул хома қаророк айлади номамни.

“Бадое ул-васат”дан

**Ўзи сўзи бобида дерким, муқобалада ҳар
ким илик урғай, аммо қалам сура олмағай ва
орзу қилғай ва лекин тилга келтура олмағай**

Эй Навоий, сўз ила онча гуҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди каро ерга сенинг қилкингдин¹⁰.

Бирига, ё унига, ё юзига, ё мингига,
Дегай эл найлагай ортуғ эса эллик мингдин?!

Тифл – бола, ёш йигит (ёки қиз).

Шикаст – синик, мажруҳ.

Атфол – болалар

Энг – юз, бет, чехра.

Менг – хол.

Сакоғ – ияк, бағбака.

Худкома – фақат ўз манфаатини кўзловчи.

Итик – тез, ўткир, учли

Хома – қалам.

Қилк – қамиш қалам, най қалам, хома.

Ҳар кимки кунгул махзанида ёшура олмай,
Сочкай тилига келтурубон махзани розин,

Топшурғай эшиткангаки, фош айламагайсен,
Ҳам нуктаи¹ таҳкикину² ҳам сирри мажозин³.

Чун ганж иёси⁴ нақдни ҳар ён узи сочкай.
Бемузл⁵ ажаб йуқтур, агар сойғаса⁶ хозин⁷.

“Фавойид ул-кибар”дан

Ўз тилим чун истамас розимни ихфо⁸ айламак,
Ўзга тилдин не таажжуб бўлғай ифшо⁹ айламак.

Кунглида юз қатла пинҳон айламак сўзни не суд,
Тилни бир қатла анинг шарҳида гуё айламак.

Сўзунг чин улса, анга ҳожати далил эрмас:
Куёшни улки ёруғ дер, не ҳожат анга хужаж¹⁰!

Дам урма ракиб. ул десун, сўзки бор:
Малоҳатлиг элдин ҳикоят малих¹¹.

Қил, Навоий, сўз аро маъни қасд,
Истама ўйлаки суратбин¹² лафз.

Нукта – нозик вуа терап маъноли сўз; сир, ҳикмат.
Таҳқиқ – бирор нарсани аниқлаш учун яхшилаб текшириб қуриш.
Мажоз – ўзининг туб маъносидан ишлатилмай, бирор муносабат ва ўхшатиш орқали бошқа маънода ишлатилган сўз. истиора: ҳақиқий эмас.
Иё – соҳиб, эга.
Бемузл – ҳақсиз, тўловсиз, бекорга.
Сойға – сарфламоқ, гарж қилмоқ.
Хозин – хазинадор, хазиначи.
Ихфо – яшириш, беркитиш; сир туттиш.
Ифшо – фош, ошкор.
Хужаж – ҳужжатлар, далиллар, исботлар.
Малих – чиройли; дилкаш.
Суратбин – ҳодисаларнинг факат шаклини, таълиқи томонини қурувчи.

Эй Навоий, чу эрур боиси ғафлат кўп сўз,
Каридинг, иш килакўр, айтмағил афсона.

Кам демак сўзни ҳунар келди мудом,
Санга лекин бу эрур айби тамом.

“Ҳайратул-аброр”дан:

Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йирок,
Ришта¹ сўзин сўзламаган яхшироқ.

Сўз гуҳарига эрур онча шараф.
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул.
Етти фалак ахтарининг² буржи³ ул.

Борча кўнгул дуржи аро жавҳар ул.
Борча оғиз ҳуққасида⁴ гавҳар ул.

Гар худ⁵ эрур ханжари пулод тил,
Суфти доғи инжулари сўзни бил⁴.

Тил бу чаманнинг⁵ варақи лоласи,
Сўз дураридин⁶ бўлубон жоласи.

Сўздин улукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалок.

Ришта – ип, таноб; томир.

Ахтар – юлдуз.

Бурж – чўққи, юқори нукта; ғрин, жоғ, манзил.

Хуҷа – қутича, қаммазбаҳо тошлар солиб қўйилган думалоқ қутича.

Худ – албатта, ҳақиқатан; худди, каби, гўё; ўзи, ўзининг.

Дурар – дур, дурлар

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз¹,
Сўз билта ҳайвондин анга имтиёз.

Донаи дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида² дурдона бил.

Мунчаки шарҳ этти қалам сўзга ҳол
Насридадур, назмида бор ўзга ҳол.

Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд³,
Айлар анинг назмни доно писанд.

* * *

Урнида тишлар – дури манзум эрур,
Чун сочилур – қиймати маълум эрур.

* * *

Варду⁴ шажар⁵ шохид⁶ эрур боғ аро,
Лек утун силкидадур⁷ тоғ аро.

* * *

Бўлмаса эъжоз⁸ макомида назм,
Бўлмас эди тенгри каломиди назм.

Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳар е дурур.

* * *

Назмки маъни анга марғуб⁹ эмас,
Ахли маоний қошида хўб эмас.

¹ Ганжи роз – сирлар хазинаси.

Баҳр – қалта, азият даре, денгиз.

Нописанд – номасқул, ёқимсиз; назарга илинмайдиган.

Вард – қизил гул, атиргул.

Шажар – ниҳол, дарахт.

Шохид – гузал, хушсураг маҳбуба.

Силк – тизим, саф, қатор.

Эъжоз – муъжиза, муъжиза кўрсатиш.

Марғуб – ёқимли, секинли, маъқул, дилқаш, ҳуштуру.

Назмки ҳам сураат эрур хуш анга,
Зимнида¹ маъни доғи дилкаш анга.

Ул киши сўз баҳрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.

Рух сафолик не ажаб роҳ (с¹) дур²,
Тийра³ кунгул кунжиги⁴ мисбохдур⁵.

Гарчи етиб жоми ҳидоят манга,
Сузда сукут улди бағоят манга⁴.

Тебра Навоий-ю наво демагил.
Ҳарне эмас бўлса раво демагил,

Ҳарза⁶ эрур чунки мушаъбид⁷ сўзи,
Ўз тилини кўрки кесар ҳам ўзи.

Музҳик⁸ эрур маст чу айлар хуруш⁹,
Сўзни тааммул¹⁰ била дер аҳли хуш.

Яна буким, яхшн-ёмон дема сўз,
Эл ёмону яхшисиға солма кўз.

Зимн – орасида, уртасида, ичида.

Роҳ – йўл; маслак.

Тийра – кора, қоронғи; ғам-ғуссали. қайгули.

Кунж – бурчак. бирор нарсанинг чети.

Мисбох – чироқ, фокус; машъала.

Ҳарза – беҳуда валддираш, вайсал.

Мушаъбид – найриғбоз, кўзбўямачи.

Музҳик – қуддурувчи.

Хуруш – қичкирик. хайкирик.

Тааммул – сабр. бардош; уйлаб иш қилиш.

Гавхару дурни кулок озори бил,
Сўзни кулокнинг дури шаҳвори бил.

Олтун исирғаки кулок оғритур,
Зархал этукдурки, аёк оғритур.

Нукта дурин бил кулок оройиши,
Кенг утук ўлди оёқ осойиши.

Ҳар кишиким, истаса тузлукка гавр¹,
Англадик ониким, эрур икки тавр²:

Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
Йук сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи;

Бир буки, ёлғонға таассуф била,
Туғри дегай сўзни такаллуф³ била.

Ҳар киши ёлғонни деса, лек кам,
Бўлғай эди кош бу давронда ҳам.

Турфа замон аҳлиға биз мубтало,
Ким йук алар оллида чиндек бало,

Кимки килур чинлик алардин ҳавас,
Қошлари устида топар чину⁴ бас.

Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб⁵, дер эл, чин деса, ёлғон сўзин.

Гавр – бирор нарсанинг ҳақиқати, моҳияти.

Тавр – тарғиб, йўл, равиш; ҳил.

Такаллуф – ўзини зийнатлаш, безани; ҳашамат, безак.

Чин – тириш, ажн, печ.

Кизб – ёлғон, найранг.

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмаға¹ таҳсин дегил.

Билки, Навоний, не сўз этсанг рақам²,
Ҳақ сўзидин узгага ургил қалам.

Ҳақ сўзи дун³ халқдин имкон эмас,
Дев тили лойиқи куръон эмас.

Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

Сўз била куфр аҳли мусулмон бўлуб,
Сўз била ҳайвон деган инсон бўлуб.

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

Бир сўз этиб онча балиятни⁴ дафъ,
Ким сочибон ганж етишмай бу нафъ.

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,
Гулшани одам самари сўз дурур.

Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси⁵,
Яхши керак кўнглида андешаси.

Нағма – оҳанг, наво, куй.

Рақам эт – ёзмок, битмок.

Дун – пасткаш, разил; ножинс, бузук феъл

Балият – балло, ранж, озор; машаққат, қийинчилик, азоб, қайғу, мусибат, қулфат.

Пеша – иш, амал; ҳунар, одат.

Кунгли киши хушлуғидин хуш керак,
Нохуш агар булса, мушавваш¹ керак.

Бок² йук, ар кечрак улур қатл иши,
Улса сүзунг бирла тирилмас киши.

Ҳар кишинингким, сүзи ёлғон эса,
Айлама бовар, нечаким чин деса.

Қасд ила ёлғон демади ростгуй,
Чин демади саяй ила каззобхуй³.

Тун била то субҳ мувофиқ дурур,
Аввали козиб⁴, сунги содик дурур.

“Фарҳод ва Ширин”дан

Не сүзким билмагайлар ибтидосин,
Хуш эрмас неча хуб этсанг адосин.

Гар имон элга раҳматдин нишондур,
Ва лекин чун алифсиздур ямондур.

Бировким хилқатин қилди қазо рост,
Қилур бовар⁵, неча сүз булса норост⁶.

Мушавваш – ташишли, паршон; беором.

Бок – қурқинч, ваҳм, хавф; зарар.

Каззобхуй – алдоқчиликка ўрганган, ёлғончи.

Козиб – ёлғон, ёлғончи.

Бовар қиямоқ – илғонмоқ.

Не билдимким бу сўзда райб¹ экандур,
Демак ўз айбини худ, айб экандур.

Замири лужкаи заххори маъни,
Каломи гавҳари шаҳвори маъни⁸.

“Лайли ва Мажнун”дан

Кун васфини қилмоқ ошкоро,
Хуффош тилига қайда ёро?

Бас аввалги садо сўз ўлғай,
Ҳар савтқа² ибтидо сўз ўлғай

Эй сўз, не бало ажаб гуҳарсен.
Гавҳар неки, баҳру мавжварсен.

“Сабъайи сайёр”дан

Аввалу охирингга солгил кўз,
Бил ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз.

Жисм бўстониға шажар сўздур,
Руҳ ашжориға³ самар сўздур.

Гулшане келди жисми инсоний,
Нутқ онинг булбули хуш алҳони,

Буйла булбул навоси сўздуру бас,
Нағмаи жонфизоси⁴ сўздуру бас.

Райб – таяк, шубҳа, тараддул, иккиланиш

Савт – овоз, товуш; куй, оҳанг.

Ашжер – дарахтлар.

Жонфизо – жонни қувватлантирувчи, жонга роҳат берувчи.

Булмаса сўз ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай.

Ҳар киши қилмоқ истаса маълум,
Бири мансур эрур, бири манзум.

Насру назми ангаки мудракдур,
Назмнинг пояси бийжракдур.

Негаким. яхши сўзки зоҳир эрур,
Лафз тийдодидин¹ жавохир эрур.

Худ жавохир нечаки дилкашрок,
Назм силкига чексалар хушрок.

Икки сори дури самин² яхши,
Орада лаъли оташин³ яхши.

Курунур яхши дурри уммоний⁴.
Булса феруза ёнида кони.

Йўкса, ёлгон демакдаким, базадур⁵,
Чун узок чекти асру бемазадур.

“Садди Искандарий”дан

Навоий, сўз айтурда фарзона⁶ бўл,
Чу иш бошингга тушти, мардона бўл!

Ниёз аҳли⁷ чун қилсалар ихтилот⁸,
Қилур сўзда зоҳир гаҳи инбисот¹.

Тийдод – санок, ҳисоб, миқдор.

Дури самин – қимматбаҳо тош, бебаҳо гавҳартош.

Лаъли оташин – яшноқ, утли, чакнаган лаъл: кизил лаб.

Дури уммоний – уммон (денгиз, океан) дури

База – жиноят, гунэх, қабохат.

Фарзона – оқил, доно, донишманд: ягона, таянч.

Ниёз аҳли – мухтожлар, ёлбурувчилар, илтижо қилувчилар.

Ихтилот – аралашини, узаро муносабатда бўлиш, алоқа.

Ошно сўзлар била ул пешво²,
Қилди ул бегоналарни ошно.

Кел, Навоий, сўзни ҳоло³ хатм қил,
Ишқ аро изҳори даъво қилмағил.

Ўз камолидин демактур маҳзи⁴ жаҳл⁵,
Жаҳлдин сўз ойтқой ким бўлса аҳл⁶.

“Назм ул-жавоҳир”дан

Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки берур жонга хабар жонондин,

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳаре шарифрок йўк андин. (96)

Рифъат⁷ аро фавқи⁸ Арши аъзам⁹ сўз эмиш,
Жонбахш дами Масихи Марям сўз эмиш,
Маъни дурри анда барча мудғам¹⁰ сўз эмиш,
Ўлким анга маъни ўлмағай ҳам сўз эмиш.

Бало ул-инсони мин ал-лисони (Инсонга бало тилдан келур)
Сўзидин кишиким ғаму бало ҳосилдур,
Хар нуктада¹¹ тили деса бало дохилдур,
Бесирфа¹² деган кишига тили котилдур,
Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур.

Ивбисот – ёйилдиш, ёзилдиш; шодлик, хурсандчилик.

Пешво –

Ҳоло – ҳозир, шу пайтда; ҳалигача, ҳозиргача.

Маҳз – ҳолис, соф; фақат, ёлғиз.

Маҳзи жаҳл – нодонлик, билимсизлик; жаҳолат, ғафлат.

Аҳл –

Рифъат – юксаклик. баланд мартабалик.

Фавқ – уст, юқори.

Арш – осмоннинг энг юқориси. Арши аъзам – ўша юқориликнинг ҳам олий даражаси.

Мудғам – қиришган, бириккан, яширинган;

Нукта – назик маъноли сўз, маъноси чуқур ва чиройли сўз.

Бесирфа – ўйламасдан.

43. Жалийс ус-суъи шайтонун (Ёмон дўст – шайтондир)

Яхшилиқдин топса нишон ҳамсуҳбат,
Берур санга осойиши жон ҳамсуҳбат,
Чун булди малак нафърасон¹ ҳамсуҳбат,
Шайтон сангаким дурур ёмон ҳамсуҳбат.

Жавдат ул-каломи фил-ихтисори (Сўзнинг яхшиси – қискадир).

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нуткининг баҳорида дурур,
Сўзким десун улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиғи чу ихтисорида дурур.

Хумузот ит-таъоми хайрун мин хумузот ил-каломи (Аччиқ сўздан аччиқ овқат яхши)

Ҳар заҳр била кишига ком² ўлса ачиғ,
Юз ончаки сўз била мудом ўлса ачиғ,
Ҳар неча мазок³ аро таом ўлса ачиғ,
Хушроқдурур андинки, калом ўлса ачиғ.

Далилу асл ил-маръи фиълуҳу (Кишининг асл эканлигини феъли намоён қилади)

Кимни тиласанг билай, мақолин⁴ англа,
Аслин десанг англайин, фиолин⁵ англа,
Кирдориға⁶ боқиб, асл ҳолин англа,
Аслиға далил анинг хисолин⁷ англа.

Нафърасон – фойда етказувчи.

Ком – тилак, истак, мақсад.

Мазок – маза, лаззат, завақ; таъм билиш азолари (тил, танглай, оғиз).

Мақол – сўз, нутқ.

Фиол – феъл.

Кирдор – иш, ўзини туттиш.

Хисол – хислатлар, хулқлар, сифатлар.

“Маҳбуб ул-қулуб”дан

Фано ахлиға кўп айтмоқ мардуддур¹ ва кўп эшитмак матлуб ва маҳмуд².

Эшитмак элни тула килур ва айтмоқ холи, эшитгувчи ва айтгувчининг будур холи.

Кўп деган кўп янгилур³ ва кўп еган кўп йикилур.

Қолаб амрозининг⁴ моддаси кўп емакдур ва калб амрозининг моддаси кўп демак.

Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсга маъмурлуқ.

Одабийга бу сифатлар завоид, барчаси худпарастликқа⁵ оид.

...Нодон пандида ғалат⁶ муқаррардур ва душман насиҳатида фириб⁷ мутасаввардур⁸. Андин бози⁹ ема ва мундин ўзунгга бози берма:

Хуштур хиради кўп эл сўзига кирмак.
Не бозий емак хушу не бозий бермак.

Мардуд – рад этилган; номақбул; ҳайдалган, қувилган.

Маҳмуд – мақталган, яхши.

Янгилмоқ – янгишмоқ, хато килмоқ.

Амроз – касалликлар, хавсталиклар.

Худпарастлик – худбиялик, ўзини уйлаб, бошқаларни назар-писанд қилмаслик.

Ғалат – сахв, хато, янгилиш; чалғитиш.

Фириб – алдов.

Мусаввар – суратланган, ҳечнда тасвирланган.

Бози(й) – уйин, алдов; бозий беормоқ – алдамoқ; бозий емоқ – алданмоқ.

Ул кунгулгаким, каттиг суздин решдек¹ бўлғай, аччиғ тил
захролуд² нешдек³ бўлғай.

Кунгулда тил синони⁴ жароҳати бутмас, анга ҳеч нима
мархам ерин тугмас.

Ҳар кунгулки, тил синонидин жароҳатдур ҳам юмшок суз ва
ширин тил анга мархам ва роҳатдур.

Мулойим такаллум⁵ ваҳшийларни улфат сари бошкарур,
фусунгар⁶ афсун била йилонни тушукдин чикорур. Б а й т:

Хусну жамолсиз киши ширин калом эса
Сайд айлар элни нукта фасоҳат била деса.

Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз!

Ямон тиллик андоқким, эл кунглига жароҳат еткурур, ўз
бошига ҳам офат еткурур.

Тил ва кунгул хуброқ аъзодурлар инсонда; савсан⁷ ва ғунча
марғуброқ⁸ раёхиндурлар⁹ бустонда.

Реш – яра, жароҳат.

Захролуд – захар аралаш, захарли.

Неш – ари ва чашнинг найзаси; тикан, тиканинг учи.

Синон – найзанинг учи, уткир найза.

Такаллум – сузлаш, гапириш; сузлашиш.

Фусунгар – афсунгар.

Савсан – гулсапсар, кўтагул.

Марғуб – ёқимли, сеvimли, маъқул.

Раёҳин – райхонлар, хушбуй усимликлар.

Ҳаркимки, сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғоч уёлғон.

Ёлғон айтгувчи ғафлатдадур.

Сўзнинг аснофи бағоят чуқдур¹, ёлғондин ямонрок синфи² йуқдур.

Улки, сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, элнинг утган гуноҳини ўз бўйнига индургай³.

Ёлғончи сўзин бир икки қатла ўтқаргай, ўзга нетгай? Ёлғони зоҳир бўлғондин сўнгра анга расволиғ етгай ва сўзи эътибори эл кўнглидин кетгай.

Кўнгул маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг калидин сўз бил.

Чин сўз – муўтабар, яхши сўз – мухтасар.

Кўп дегувчи – мумил⁴, муқаррар дегувчи – лояъқил⁵.

Айбжўй⁶ – маъюб, айбгўй – манқуб.

Туз кўргувчи – пок назар, ҳунар кўргувчи – рост басар.
Улким, димоғида ҳаёт – сўзида йўқ раёт.

Чуқ – қўп, талай.

Синф – жинс, тур, нав, хил: табақа.

Индурмақ – қўймоқ, юкламоқ.

Мумил – малол келтирувчи, зериктирадиган; ортиқча, узун, жуда узун.

Лояъқил – ақли йўқ, ҳушсиз.

Айбжўй – айб қидирувчи.

Димоғи саҳиҳ – гуфтори фасиҳ.

Сузи ҳисобсиз – ўзи ихтисобсиз. сузида паришонлиқ, ўзида
пушаймонлиқ.

Сўзки, фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлиқ
зевари басдур ёлғончи ҳар неча сузида фасиҳроқ, сузи кабиҳроқ.

Чин сўз нечаким бетакаллуф, койилға иборат содалиғидин
йўқ таассуф.

Гулга йиртуқ либосдин не зиён, дурға бадшакл садафдин не
нуқсон.

Ёлғон сўз жуз назмда нописанд ва анинг койили
нохирадманд. Б а й т:
Сўз ичраки ёлғон эрур нописанд.
Чу назм эттилар қилди доно писанд.

Хирадманд улдурким, ёлғон демас, аммо барча чин дегулуқ
ҳам эмас.

Нодонға сўз демак айғоғдур ва куп демаги йўртоғдур.

Оз демаги носих ва демамаги – муслиҳ.

Оз демак ҳикматқа боис ва оз емак сиҳҳатқа боис.

Оғизга келганни демак нодон иши ва оллига келганни емак ҳайвон иши. Б а й т:

Кўп демак бирла бўлмағил нодон,

Кўп емак бирла бўлмағил ҳайвон.

Одабийнинг яхшироғи улдуҳким, порсо ва пок бўлғай ва ҳақ сўзин айтурда беваҳму бок бўлғай.

Ўзи поку кўзи покни инсон деса бўлур. Тили ариғ ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур. Мусулмон улдуҳки, мусулмонлар анинг тил ва илғидин эмин бўлғайлар ва кўзи кўнглидин мутмаин.

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни эшитурдин қайтма.

Оз деган – оз енгилур, оз еган – оз йикилур.

Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айта олур тилни ёлғонга булғама.

Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эранлар иши эмас.

Ёлгон сўз дегувчини безътибор қилур, нечукким, ул гавҳарни хазафдек хор қилур.

Улки чин сўзни ёлгонга қотар, дурри саминни нажосатга отар.

Тилингни ихтиёрингда асрағил, сўзунгни эҳтиёт била дегил.

Махаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама.

Сўз борким, эшитувчи танига жон киярур ва сўз борким, айтгучи бошин елга берур.

Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтгон сўзла бут.

Сўзни кўнглунгда пишқормагунча тилга келтурма, харнаким кўнглунгда бўлса тилга сурма.

Агарчи тилни асрамок кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни сипамок бошқа офатдур.

Айтур ерда унутма, айтмас ерда ўзунгни мутакаллим тутма.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт.

Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил
иши эмас.

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,
Вале бари чин ҳам деғулик эмас.
Киши чин сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, Маънавият, 2008.

2. Абдукодиров А. Амир Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Хужанд, “Нури маърифат”, 2013, 100-бет.

3. Алийбег Рустамов. Ҳазрат-и Навоийнинг эътиқоди. – Тошкент, “Extremum press”, 2010. 80 б.

4.

5. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маъоний. I жилд. Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.

6. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маъоний. II жилд. Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.

7. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маъоний. III жилд. Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1959.

8. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маъоний. IV жилд. Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1960.

9. Алишер Навоий. МАТ, Бадоеъ ул-бидоя. 20 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент, Фан, 1987.

10. Алишер Навоий. Наводир ун-нихоя. 20 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, Фан, 1987.

11. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. 20 жилдлик, 3-жилд. Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент, Фан, 1988. 616 б.

12. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент, Фан, 1989. 560 б.

13. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 5-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 544 б.

14. Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. 20 жилдлик, 6-жилд. – Тошкент, Фан, 1990. 568 б.

15. Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат ул-аброр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида дostonни изохлар билан нашрга тайёрловчилар: А.Ҳайитметов, И.Ҳаккулов. 20 жилдлик, 7-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 392 б.

16. Алишер Навоий. Хамса. Фарҳод ва Ширин. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида дostonни изохлар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 8-жилд. – Тошкент, Фан, 1991. 544 б.

17. Алишер Навоий. Хамса. Лайли ва Мажнун. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида дostonни изохлар билан нашрга тайёрловчи Т.Ғафуржонова. 20 жилдлик, 9-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 356 б.

18. Алишер Навоий. Хамса. Сабъайи сайёр. П.Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида дostonни изохлар билан нашрга тайёрловчи М.Мирзааҳмедова. 20 жилдлик, 10-жилд. – Тошкент, Фан, 1992. 448 б.

19. Алишер Навоий. Хамса. Садди Искандарий. Нашрга тайёрловчилар: М.Ҳамидова, Т.Аҳмедов. 20 жилдлик, 11-жилд. – Тошкент, Фан, 1993. 640 б.

20. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Изохлар билан нашрга тайёрловчи Ш.Эшонхўжаев. 20 жилдлик, 12-жилд. – Тошкент, Фан, 1996. 328 б.

21. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Матнни излх ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. 20 жилдлик, 13-жилд. – Тошкент, Фан, 1997. 284 б.

22. Алишер Навоий. МАТ, Маҳбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. 20 жилдлик, 14-жилд. – Тошкент, Фан, 1998.

23. Алишер Навоий. МАТ, Хамсат ул-мутаҳаййирин. Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Назм ул-жавоҳир. 20 жилдлик, 15-жилд. – Тошкент, Фан, 1999.

24. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. (Матнни П.Шамсиев нашри асосида изох ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Мезон ул-авзон. (Матнни И.Султон нашри асосида изох ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Тарихи анбиё ва ҳукамо. (Матнни нашрга тайёрловчи Л.Ҳалилов). Тарихи мулуки Ажам. (Нашрга тайёрловчи Л.Ҳалилов). Арбаъин. (Матнни нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Сирож ул-муслимин. (Матнни изох ва таржималар билан нашрга

тайёрловчи С.Ғаниева). Муножот. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). Рисолайи тийр андохтан. (Матнни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева). 20 жилдлик, 16-жилд. – Тошкент, Фан, 2000. 236 б.

25. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Нашрга тайёрловчилар С.Ғаниева, М.Мирзаахмедова. Арабча ва форсча матнларни таржима қилиб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 17-жилд. – Тошкент, Фан, 2001. 520 + 72 б.

26. Алишер Навоий. Девони Фоний. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, Муродий (Ҳ.Тожибоев), С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 18-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 552 б.

27. Алишер Навоий. Девони Фоний (давоми). Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Сулаймон, С.Рафиддинов, Муродий (Ҳ.Тожибоев). 20 жилдлик, 19-жилд. – Тошкент, Фан, 2002. 600 б.

28. Алишер Навоий. Девони Фоний (давоми): Қасидалар, муфрадот, иловалар. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир С.Рафиддинов. 20 жилдлик, 20-жилд. – Тошкент, Фан, 2003. 568 б.

29. Бобур. Мухтасар – Тошкент, Фан, 1971.

30. Воҳидов Р. Навоий қалбида сирлашган инсон. – Тошкент, Абдулла Кодирӣ номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, 7-бет.

31. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент, Фан, 1983.

32. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент, “O‘zbekiston”, 2014. – Б.320.

33. Мамадалиева З. “Лисон ут-тайр образлари: рамз ва мажоз олами”. – Тошкент, “Tamaddun”, 2014.

34. Тўхлиев Б. Таълим босқичларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш хусусиятлари. – // Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул ахамияти. Халқаро илмий-назарий аржуман материаллари, Тошкент, 2011, 28-29 сентябрь, 90-94-бетлар.

35. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент, “TAMADDUN”, 2016.

36. Олим С. Навоий ёшларга. – Тошкент, “Abu matbuot-konsalt”, 2008.

37. Очилов Э. Комилликнинг икки йўли. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001, 123-144-бетлар.
38. Ражабова Б. Ўзум сори боқма, сўзум сори боқ. – Тошкент, “Turonzamin ziyo”, 2015, 10-24-бетлар.
39. Сирожиiddинов Ш. Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Тошкент, “Akademnashr”, 2011.
40. Эргашев К. Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои. – Ташкент, Фан, 2009, – с.40.
41. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Тошкент, “Akademnashr”, 2013, 272 бет.
42. Yusupova D. Aruz alifbosi. – Toshkent, “Akademnashr”, 2015. 136 bet.
43. Қайюмов А. “Садди Искандарий” достонининг сарлавҳалари. – // Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Тошкент, Фан, 2001, 84-103-бетлар.
44. Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар, – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.
45. Ҳайитметов А. “Ҳайрат ул-аброр”да услуб ранг-баранглиги. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001, 27-45-бетлар.
46. Ҳамидова М. “Хамса” мавжлари. – Тошкент, Фан, 1986.
47. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро давлат университети нашриёти, Бухоро 2000, 121-127-бетлар.
48. Ҳаққул И. Тасаввуф ва Навоий шеърини ҳақида. – // Навоийнинг ижод олами. – Тошкент, Фан, 2001.
49. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати, – Тошкент, Фан, 2006.

МУНДАРИЖА

“Ки, бўлмоқ ватан ичра душвор эди...”	3
Поэтик вариация Алишер Навоий маҳоратининг бир қирраси сифатида	25
Искандар ва Ҳусайн Бойқаро тасвири тўғрисида	38
“Алфоз ва иборатдин мурод маънидур»	40
Айрим ғазаллар шарҳи	46
Сарлавҳа ва матн мутаносиблиги	66
Сўз ҳақидаги хикматлардан	70
Фойдаланилган адабиётлар	91

БОҶИЖОН ТЎХЛИЕВ

НАВОИЙ ЎГИТЛАРИ

Техник муҳаррир	Дилшод Хуросбоев
Дизайнер	Баходир Тўхлиев
Саҳифаловчи	Бекзод Раҳматов

Босишга рухсат этилди: 21.11.2016.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 1/16.
Times гарнитураси. Шартли б.т: 6.
Адади 56 nusха. Буюртма № 28.

“BAYOZ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кучаси, 103-уй.